БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши № 278 (12.027) | Чоршанба, 29 ноябрь 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ МУЗОКАРАЛАРГА ДОИР

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Совет ҳукумати ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласига бағишланган музокаралар Женевада яна бошлаб юборилганлиги муносабати билан баёнот берди.

Баёнотда айтиладики, Совет ҳукумати ёппасига ва батамом қуролсизланиш ишини қатъият ва изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келмоқда. Тарихий тараққиётнинг бутун бориши планетамиз халқлари олдига ана шу вазифани қўйди. Бизнинг давримизда, яъни давлатлар вайронгарчилик ва қиргинлик келтирувчи даҳшатли воситаларга эга бўлган бир замонда ҳозир яшаб турган ва келажакдаги авлодларнинг ҳаёти ҳамда осойишталиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш ёппасига ва батамом қуролсизланиш билан узвий равишда боғлангандир. Ҳозир инсониятнинг бутун ҳарбий машинани бузиб ташлаш ҳамда жаҳонни армиялар ва қурол-яроғлардан холи этишдан бўлак чораси қолмади. Акс ҳолда ракета-ядро урушининг фалокатли қуюни халқлар бошига ёғилиши ва ўшанда айрим шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган пунктлар бир неча минут ичида ер юзидан тамомила супурилиб кетибгина қолмай, балки бутун-бутун мамлакатлар вайрон қилиниши мумкин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съезди ҳозирги халқаро вазиятнинг хусусиятларини ҳар томонлама анализ қилиб, бизнинг давримизда тинчликни сақлаб қолиш — амалга ошириса бўладиган реал вазифа эканлигини ғоят ишонарли тарзда исботлаб берди.

Ғарб давлатлари, дейди Совет ҳукумати, башарти, ишни ўз-ўзларини йўқ қилиб ташлашга олиб бориш ниятида бўлмасалар, эртами-кечми ёппасига ва батамом қуролсизланишга рози бўлишга мажбур бўладилар.

Асосий мақсад бўлган ёппасига ва батамом қуролсизланишга эришиш учун эўр бериб ҳаракат қилаётган Совет ҳукумати шу мақсадга етишни енгиллаштира оладиган ҳамма воситалар, ҳамма имкониятлардан максимал фойдаланиш зарур деб ҳисоблайди. Совет ҳукумати худди шу нарсага амал қилиб, ядро қуроли синовларини тўхтатиш масаласига бағишланган музокараларни яна бошлаб юборишга розилик берди ва Женевага ўз вакилини юбориб, шу масала устида Ғарб давлатларининг вакиллари билан бир битимга келиш учун яна бир марта ҳаракат қилиб кўриш ҳақида унга кўрсатма берди.

Совет ҳукумати шундай хулосага келдики, деб таъкидланади сўнгра баёнотда, ҳозир ядро синовларини тўхтатиш масаласига янгича ёндошмоқ керак, токи тўмишда битимга келиш йўлида пайдо бўлган қийинчиликлар ва тўсқинликларга ўрин бўлмасин. Совет ҳукумати Ғарб давлатлари ҳукуматларишинг муҳокамасига қўйидаги таклифни ҳавола қилади: **атмосферада, сув остида ва космик фазода**, яъни контролни амалга ошириш бирон-бир жиддий техника қийинчиликлари билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда **ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисида** ҳозирдаёқ **тегишли битим тузмоқ керак.** Ер ости муҳитидаги ядро қуроли синовларига келганда, Совет ҳукуматининг фикрича шуни айтиш керакки, ер ости портлатишлари устидан ўрнатиладиган контроль системасини ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасининг амалга оширилиши устидан ўрнатиладиган халқаро контроль системасининг таркибий қисми деб келишиб олгунга қадар бундай синовларни ўтказмаслик мажбуриятини давлатлар ўз зиммаларига олишлари лозим.

Ядро синовларини тўхтатиш масаласини ҳал қилишнинг Совет Иттифоқи таклиф қилаётган йўли инсониятни барча ядро портлатишларидан дарҳол халос этишга имкон беради ҳамда айни замонда биронта ҳам давлатнинг устун даражадаги мавқеини таъминламайди ва давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга путур етказмайди. Ядро қуролига эга бўлган давлатлар музокаралар давом этиб турган вақтда ҳеч қандай ядро синовлари ўтказмаслик тўғрисида келишиб олсалар, бу нарса Женевадаги музокараларнинг муваффақиятли ўтишига шак-шубҳасиз ёрдам берган бўлур эди.

Совет ҳукумати шунингдек ҳозирги вақтда ядро қуроли синовларини тўхтатиш ҳақидаги музокараларга Францияни жалб этиш пайти келди, деб ҳисоблайди. Ғарб давлатларининг икки ёқлама олиб бораётган найрангига, яъни НАТОнинг бир хил аъзолари синовларни тақиқлаш тўғрисида музокаралар олиб бораётган бир пайтда, унинг бошқа аъзолари ўз иттифоқчиларининг индамасдан далда бериши билан ядро бомбаларини портлатишни, бу қуролни такомиллаштиришни, НАТО блокининг ҳарбий потенциалини кучайтиришни давом эттиришига чек қўймоқ керак.

Совет ҳукумаги Женевада бошланаётган музокараларни амалий йўлга солиб юборишни истаб ядро ва термоядро қуроли синовларини тўхтатиш ҳақидаги битим проектини тайёрлади, бу проектни Ғарб давлатларининг муҳокамасига ҳавола қилмоқда.

Баёнотнинг охирида бундай дейилади:

Совет ҳукумати ишонч билдирадики, ўзи ҳавола қилаётган таклифлар ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида тезроқ бир битимга келиш учун реал имконият очиб беради ҳамда ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини ҳал қилмоқ учун қулай вазият вужудга келтирилишига, халқаро кескинликнинг юмшатилишига ва тинчликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ядро ва термоядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битим проекти Совет ҳукуматининг баёнотига илова қилинади. (ТАСС).

БУЮК ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН

Ватанимизда коммунизм тонги ёришяпти. Қуёшдан ҳам мусаффо бу тонг ҳамма учун бахт-саодат, шодлик, фаровон ҳаёт бағишлайди, совет халқи учун, бутун тараққийпарвар инсоният учун истиқбол бахш этади. Коммунистик партиянинг XXII съезди мана шу тонгни, коммунизм тонгини янада равшанроқ ёритди.

Марксизм-ленинизм байроғини, озодлик, тинчлик, меҳнат байроғини янада юксакликка кўтарган XXII съезд коммунистик жамият барпо қилишнинг янги программасини — инсон тафаккурининг, марксча-ленинча тафаккурнинг замонамиздаги энг юксак чўққиси бўлган, назарий, илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган программасини чизиб берди. Бу съезд асримиз қасидаси, келажак авлод-аждодларнинг ворниси, буюк яратувчилик ишларнинг эпопеяси бўлиб қолади.

Улуғ Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари, коммунистлари инсоният хотирида абадий сақланиб қоладиган бу съезд қарорларини, съезд қабул қилган Программа ва Уставни бир жон, бир тан бўлиб, ўзларининг жонажон ишлари, амалга оширилиши зарур бўлган улуғ вазифаларнинг режаси деб қабул қилди. Шу кунларда ўтаётган область, шаҳар ва район партия активи йиғилишларида мана шу бирдамлик ёркин кўриниб турибди. Актив йиғилишлари кенг партиялилар оммасининг туйғусини, ҳис ва фикрини ифода этиб, КПСС XXII съезди қарорлари ва Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ёркин докладлари ва нутқларини якдиллик билан маъқуллади.

Партия активи йиғилишларининг ишчанлик, принципиаллик вазиятда ўтаётганлиги партия ташкилотларининг коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришда жанговар ташкилотчилик ишлари юксалиб бораётганлигини равшан кўрсатади.

Тошкент, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Бухоро ва бошқа область ҳамда шаҳар партия активи йиғилишлари съезд ишларининг якунларини кизғин маъқуллади ва синалган йўлбошчимиз ҳамда раҳбаримиз Коммунистик партияни, унинг ленинчи Марказий Комитетини шарафлади.

Актив йиғилишлари КПСС XXII съезди партиянинг бутун жўшқин фаолиятига якун ясаганлигини, Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладларида баён қилинган қоидалар марксизм-ленинизм назариясини ҳозирги замон шароитида бойитиш ва ривожлантиришнинг классик намунаси эканлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатди. Шу нарса мамнуният билан қайд қилиндики, XX съезд ишлаб чиққан ленинча йўлни принципиаллик билан амалга ошириш натижасида партиянинг монолит бирлиги янада жипслашди, партиялилар оммасининг ижодий ғайрат ва ташаббусини ривожлантириш учун бутун шарт-шароит вужудга келтирилди. Сталин шахсига сиғиниш ва ошкора фош этиб ташланганлиги ва шахсга сиғиниш натижасида вужудга келган қўпол хато ва нуқсонларнинг тугатилганлиги, партияни Ленин йўлидан тойдиришга уринган, порлоқ келажак сари олга қараб қилаётган ҳаракатимизга ҳалақит беришга интилган Молотов, Маленков, Каганович ва бошқа разил фитначилар, мурталлар тўдасининг ғоявий жиҳатдан тор-мор келтирилганлиги мамлакатимиз ҳаётида, бутун партия ҳаётида энг муҳим воқеадир. Ленинчи партия Марказий Комитетининг жўшқин фаолияти ва буюк хизматлари шундаки, у марксизм-ленинизм руҳига ёт бўлган ҳар қандай нарсани улоқтириб ташлаб, партия ҳаётининг ленинча нормаларини, раҳбарлик принципларини тиклабгина қолмай, уни ижодий тарзда ривожлантирди.

Партия активи йиғилишлари хўжалик ва маданий қурилишда эришилган муваффақиятларни қайд қилиш билан бирга, принципиал танқид, ўзўзини танқид асосида ишда юз берган камчиликларни очиб ташламоқда, партия ташкилотларининг хўжаликка раҳбарлик қилишдаги тажрибалари умумлаштирилмоқда. КПСС XXII съезди қарорларини, Коммунистик партия Программасини омманинг онгига чуқур сингдириш учун жойларда пропаганда ва агитация ишларини авж олдириш йўллари, форма ва методлари кўрсатиб берилмоқда.

Бухоро область партия активи йиғилишида қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришда жиддий хато ва нуқсонлар юз бераётганлиги, қолоқ районлар ва хўжаликларни илғорлар даражасига кўтариш учун чинакам ташкилотчилик ишлари олиб борилмаётганлиги, кўпгина район партия комитетлари хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилмаётганлиги жуда тўғри кўрсатиб ўтилди.

Амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилган ва бу вазифаларни қандай қилиб, қай усулда бажариш йўллари кўрсатиб берилган ҳозирги пайтда партия ташкилотларидан ҳамма жойда ишни тўғри уюштира билиш, хўжаликка ва маданий қурилишга изчил, малакали раҳбарлик қилиш талаб этилади. Кишиларни янги, улуғ ишларга отлантира билиш, Коммунистик партия Программасида чизиб берилган вазифаларнинг халқимиз учун ҳақиқатга айланишига эришиш, бутун кучларни, ички резерварни моҳирлик билан ишга сола билиш — партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон ССР ва Қозоғистон Жанубий областлари қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида таъкидлаб кўрсатганидек, раҳбарнинг ўзигина Программани виждонан қабул қилиб олиши кифоя қилмайди. У кишиларни отлантириши ва уларни янги вазифаларни ҳал қилишга етаклаб бориши, барча янги нарсаларга йўл очиб бериши, Коммунистик партия Программасида қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаши керак.

Сўз билан иш бирлигини ҳамиша мужассам этиш, чуқур ғоявий эътиқодга эга бўлиш, ҳамма ишда ҳалол, адил ва оқилона ҳаракат қилиш, масалаларни коллегиал ҳал этиш, оммани, давримиз машъаллари бўлган илғорларнинг тажрибаларини, қимматли маслаҳат ва фикрларини ғамхўрлик билан ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишда ташкилотчилик кўрсатиш — партия ходимининг бурчидир. Партия ходими янги, илғор нарсаларни қанчалик актив қўллаб-қувватласа, бу илғор нарсаларни илдиз оттириш учун шижоат билан кураш олиб борса, камчиликларни қанча кескин ва муросасизлик билан очиб ташласа ва бартараф қилса, хўжалик вазифалари шунча муваффақиятли ҳал бўлади.

Тошкент кенгашида илгари сурилган масалалар ва шу кенгашда Ўртоқ Н. С. Хрушчев томонидан қўйилган вазифалар қишлоқ хўжалигини янада кучли суратда ривожлантиришда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Пахтачиликни янада ривожлантириш, ҳар бир колхоз ва совхозда гектаридан камида 25 центнердан «оқ олтин» етиштиришга эришиш, хўжаликларни кадрлар, тажрибали ташкилотчилар билан мустаҳкамлаш, пахта, гўшт ва сут етиштиришни тўғри қўйиб олиб бориш механизацияни кенг жорий қилиш ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш — республикамиз олдида турган жанговар вазифалардир. Ҳозирги пайтда далалардаги бутун пахта қосилини сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш, кузги-қишки тадбирларни юқори сифатли ўтказиш муҳим ишлардир. Ана шу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши ташкилотчилик ишига, раҳбарликнинг савиясига, кишиларнинг куч-ғайратини ташкил этабилиш ва сафарбар қилишга боғлиқдир.

Амалий ишга, ўртоқлар! Шу кунниг талаби, бу! Коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун отланган миллионларнинг ижодий ишига бошчилик қилиш — партия ташкилотларининг жанговар вазифасидир.

Братск ГЭСининг биринчи агрегати коммунизм учун ишламоқда

БРАТСК, 28 ноябрь. (ТАСС). Қишлоқ хўжалик ходимларининг Новосибирскда бўлиб ўтган кенгашидан кейин КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Братск ГЭСи қурилишига келди. Ангарани забт этувчилар ҳузурига азиз меҳмоннинг келиши муҳим воқеага— жаҳонда энг катта биринчи агрегатнинг ишга туширилишига алоҳида байрам тусини берди. Бугун маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10-15 минутда Н. С. Хрушчев шу уникал электр машинани ишга солди. Совет инженерлари конструкция қилган ва Ватан корхоналарида тайёрланган 225 минг киловатт қувватли бу электр гиганти дастлабки ток бериб, коммунизм учун ишлай бошлади.

СССР Олий Советининг Президиумида

СССР Олий Совети Президиуми «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотлари комитетига чет эл мамлакатлари демократик жамоатчилигининг қуйидаги вакилларини қўшимча равишда аъзо қилиб киритди: Маринельо Видаурета Хуан — ёзувчи, Куба Республикасининг жамоат арбоби, Ясуи Каору — Японияниг олими ва жамоат арбоби, Гуттузо Ренато — Италия рассоми ва жамоат арбоби, Малек Иван — Чехословакия Фанлар академиясининг вице-президенти, академик.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми саноат корхоналари, колхозлар, жамоат ташкилотлари, меҳнаткашлар коллективларининг умумий йиғилишлари қарорларига асосан, аҳолининг истакларини эътиборга олиб, 1961 йил 28 ноябрдаги Фармоци билан:

а) Андижон областидаги Сталин районининг номини Москва райони, Сталино посёлкаси номини эса, Москва посёлкаси;

б) Андижон областидаги Ворошилов районининг номини Ильич районн ва Ворошилов номли қишлоқ советининг номини Ильич номли қишлоқ совети деб ўзгартирди.

Коммунист Ҳусан Иброҳимов бошлиқ бригада аъзолари 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 26 центнердан ингичка толали пахта йиғиб-териб олиб, социалистик мажбуриятларини Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида биринчи бўлиб бажардилар. Бригадада қолган ҳосилни йиғиб-териб олиш давом этмоқда. СУРАТДА: бригада бошлиғи Ҳусан ИБРОҲИМОВ хирмонда.

А. Ким фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ПРОПАГАНДИСТ ХОДИМЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

28 ноябрда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида пропагандист ходимларнинг КПСС XXII съезди қарорлари ва материалларини пропаганда қилишга бағишланган республика семинари ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган бу семинарда етти юз эллик пропагандист, шу жумладан, сиёсий маориф уйлари ва кабинетларининг мудирлари, методика кенгашларининг, доимий ишлаб турувчи ва назарий семинарларнинг раҳбарлари, марксизм-ленинизм кечки университетларининг директорлари қатнашмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қисқача нутқ сўзлаб, семинарни очди.

Семинар беш кун давом этади. Унинг қатнашчилари КПСС XXII съезди илгари сурган энг муҳим проблемалар бўйича лекциялар тинглайдилар, пропаганда ишида тажриба алмашадилар.

Семинар ишида съезд материаллари юзасидан лекциялар ўқиш учун КПСС Марказий Комитети томонидан Ўзбекистонга юборилган бир группа олимлар ва раҳбар ходимлар иштирок этмоқда. (ЎзТАГ).

ЯГОНА ОИЛАДА

АРМАН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ

□ □

Ўзбекистонда арман адабиёти ва санъати ҳафталиги накадар дўстона ва самимий вазиятда ўтганлигини шоира Сильва Капутикян «Тилларимиз бошқа бўлса ҳам, дилларимиз бир» деган фикр билан лўнда ва аник ифода этди.

27 ноябрда Низомий номли Тошкент педагогика институтининг муҳташам мажлислар зали кишилар билан лик тўлган эди. Бу ерда икки қардош республика адабиёти байрамининг якунловчи кечаси бўлиб ўтди. Кеча қатнашчилари Ўзбекистонда бўлган кунларида минглаб янги дўст орттирган серқуёш Арманистон ёзувчилари билан артистларини кизгин табрикладилар.

— Миллий маданиятлар эришган муваффақиятларни дўст совет оиласидаги барча халқларнинг мулкига айлантираётган тил — ўлуг рус тили. Лениннинг тили арман адабиёти хазинасидан тағин ҳам яхшироқ бахраманд бўлишимизга ёрдам берди, — деди ҳафталикка якун ясаб, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ҳамид Ғулом, — Арманистон маданият арбобларининг ўзбеклар диёрига килган сафари икки халқ дўстлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлади, ижодимизни бир-бирига тағин ҳам кучлироқ суратда яқинлаштирди. Заводлар, колхозлар, институтларда ўтказилган ажойиб учрашувлар арман халқи маданиятини чуқуроқ билиб олишда ҳаммамизга ёрдам берди.

Ҳамид Ғулом арман адабиётининг ажойиб традициялари ҳақида, машҳур шоирлар, адиблар, драматурглар, адабиётшуносларнинг маҳорати тўғрисида, улар билан ўтказилган учрашувлар иккала адабиёт бир-бирини бойитиши учун эўр аҳамиятга эга бўлганлиги ҳақида гапиради.

— Ўзбеклар диёрининг қаерига бормайлик, ҳамма жойда бизга табассум ва офтоб ҳамроҳ бўлди, — деди драматург Григор Гергригорьян. — Самарқанд, Фарғона, Андижон, Марғилон, Ленинск шаҳарларининг, колхоз қишлоқларининг гўзал ва салобатли ажойиб манзаралари, Совет Ўзбекистони меҳнаткашларининг латиф образлари қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади. Бошқа халқнинг маданиятини шу кадар кизгин муҳаббат билан севгандагина унинг вакилларини шу кадар очиқ чеҳра билан кутиб олиш, унинг ривожланиш йўлларини шу кадар чуқур тушунган ҳолда муҳокама қилиш мумкин. Биз ўзбек халқи билан жон-дилдан, шунчалар боғланиб қолдикки, бугун ҳатто айрилик ҳақида гапиришга тил бормаётир. Лекин ондида ҳали кўп учрашувлар борлигини ҳаммамиз биламиз. Сизларни Арманистон диёрида кутамиз, ўзбек дўстлар!

— Биз бу ерда қалбимизнинг бир бўлагини қолдириб кетамиз, — деб ўз ҳамюртининг фикрини давом эттирди шоир Рачия Ованесян. — Ўзбекистонда кўрган нарсаларимизнинг барини сўз билан таърифлаб бериш қийин.

Арман шоири нутқини тамомлаб, шеър ўқиб беради. Унинг қаламкаш дўсти — ўзбек шоири Туроб Тўла эса, нутқини шеър ўқиш билан бошлайди. У. Геворк Эмин ва Сильва Капутикян асарларини ўз таржимасида ўқиб берди.

Арман шоирлари Вруйр Баласян, Амо Сагиян, Аршалуйс Сароян, Сильва Капутикян ўз асарларидан ўқиб бердилар. Ўзбек шоираси Зулфия арман шоирасининг ўзи янги таржима қилган шеърлари билан кеча қатнашчиларини таништирди.

Арманистонлик меҳмонлар ўз шеърлари қорақалпоқ тилида қандай садо беришини тинглашга ҳам мушарраф бўлдилар. Қорақалпоқ шоири Жўлмирза Оймирзаев арман тилидан қилган таржималарини ўқиб берди.

Ёзувчи Гарегин Севунц Арманистон маданият арбобларига кўрсатилган самимий илтифот учун миннатдорчилик билдирди.

— Институтимиз коллективининг қардош халқлар маданияти вакиллари билан учрашиб туриши традиция бўлиб колди, — деди Низомий номли институт директори Ш. Ш. Абдуллаев. — Шундай, бўлиши бежиз эмас, чунки ҳар йили институт қучоғидан педагогларнинг, яъни омма орасига маданият олиб киришга даъват қилинган кишиларнинг янги-янги отрядлари етишиб чиқмоқда. Бундай учрашувлар қардош халқларнинг адабиёти ва санъатидаги чуқур мазмунни ва гўзалликни билиб олишда, ўз қўқувчиларида қардош халқлар адабиёти ва санъатига муҳаббат уйғотишда бўлажак педагогларга ёрдам беради.

Меҳмонлар бу учрашувда қатнашган юзлаб китобхонларнинг қўлидаги арман китобларига эсдалик ёзувлари ёзиб бердилар.

Шундан сўнг Арманистон ва Ўзбекистон санъат усталари биргаликда якунловчи концерт кўйиб бердилар. Кеча қатнашчилари Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Гурген Адамян, Гоар Галачян, Тамара Демурян, Сергей Галстян, артистлар Зоя Петросян, Анна Нишанян, Норайр Мнацаканян, Ваган Миракян, Марианна Арутюнянни кизгин кутиб олдилар. Концерт эўр муваффақият билан ўтди.

Арман адабиёти ва санъати ҳафталигининг якунловчи кечасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари З. Р. Раҳимбобоева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов ҳозир бўлдилар.

* * *

Арманистон адабиёти ва санъати ҳафталигида қатнашган қардош республика ёзувчилари ва артистлари 28 ноябрда самолётда Тошкентдан Ереванга жўнаб кетдилар. Меҳмонларни аэропортда ёзувчилар, артистлар, Ўзбекистон пойтахти жамоат ташкилотларининг вакиллари узатиб қолдилар.

М. ЖАЛОЛОВ,
Е. ЕФИМОВ,
(ЎзТАГ мухбирлари).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛИГИГА КАНДИДАТ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

ФАРҒОНА, 28 ноябрь. (ЎзТАГ). Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси 161- Қўқон сайлов округи бўйича ўрни бўшаган депутат ўрнига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Раҳмонқул Қурбоновни республика Олий Совети депутатлигига кандидат қилиб рўйхатга олди.

ЗЎР ҒАЙРАТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИБ, КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ

РЕСПУБЛИКА КОМСОМОЛ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон комсомоллари ва барча ёшлари коммунизм қурувчилар съезди бўлган КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар.

«Партия ёшларни совет халқининг коммунизм учун курашида пиқдкор, яратувчи куч деб билади». КПСС Программасидаги бу ажойиб сўзлар Ўзбекистон ёшларини севикли Ватанинг бахт-саодати йўлида янги қаҳрамонона зафарларга илҳомлантирмоқда. 28 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган республика комсомол активи йиғилишида ёшларнинг партия қарорларининг амалга оширилишини тезлаштиришга қаратилган мароқли ишлари ҳақида гапирилди.

Йиғилиш қатнашчилари содиқ ленинчи, совет ёшларининг энг яхши дўсти Ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчиларидаги КПСС Марказий Комитети Президиумини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Ўзбекистон комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари М. И. Иброҳимов «КПСС XXII съезднинг якунлари ва республика комсомол ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Хоразм область комсомол комитетининг биринчи секретари А. Кўчқоров, Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши — Чирчиқ электр химия комбинати штабининг бошлиғи В. Серкин, Самарқанд область комсомол комитетининг биринчи секретари Ф. Мақсумова, Хоразм область, Хонқа районидаги Ш. Руставели номли мактаб ўқувчиларининг ишлаб чиқариш бригадаси аъзоси Ҳ. Собиров, Бухоро область Навоий шаҳар штатсиз комсомол комитетининг секретари Ю. Капилов, Сурхондарё область, Сариосиё район комсомол комитетининг секретари А. Намозов ва бошқалар барча совет ёшлари каби республиканинг йигит ва қизлари ҳам коммунистларнинг буюк форуми материалларини ўрганиб, коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш соҳасидаги вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўйиш учун қатъий бел боғлаганликларини билдираётганликлари ҳақида гапирдилар.

Чирчиқ электр химия комбинатининг ёшлари корхонани реконструкция қилишни муддатидан тўрт ой илгари тугаллашга ҳамда меҳнат унумдорлигининг йил сайин ўн процент оширилишига эришишга, ишчиларнинг техника савиясини тинмай юксалтиришга аҳд қилдилар. «Ташкенткабель» заводи ва Фарғона уй қуриш комбинати комсомолларининг қиймати ташаббусини йиғилиш қатнашчилари маъқулладилар. Бу корхоналарнинг комсомоллари барча ёшларга мурожаат қилиб, коммунизмнинг моддий техника базасини яратишни тезлаштириш учун олиб борилаётган мусобақада ҳар кимнинг конкрет ўрнини белгилашга даъват этдилар.

Республика активи таъкидладики, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари каби республика ёшлари ҳам мамлакатнинг пахтага ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда актив қатнашишни ўзларининг биринчи навбатдаги ватанпарварлик бурчи деб ҳисоблайдилар.

Ўорвачиликни ривожлантиришда, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда 75 центнердан ва бошқа ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда 16 центнердан ғўшт етиштириш учун мусобақада ёшларнинг иштирок этиши масалалари йиғилиш қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Йиғилиш якдиллик билан резолюция кабул қилиб, КПСС XXII съезднинг тарихий қарорларини қизғин маъқуллади.

Республика комсомол активи йиғилишида КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. Муртазоев қатнашдилар. (ЎзТАГ).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар Республика ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ёзиладилар:

Андижон область, **Қўрғонтепа райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Авазматов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **А. Ашуров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **А. Мамасодиқов**).

Самарқанд область, **Каттақўрғон райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Б. Раҳимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Н. Ҳамроев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Г. Мамедова**).

Хоразм область, **Хонқа райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **М. Худойберганов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Б. Отахонов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Р. Шаниқов**).

Қанча пахта топширилди?

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг, ҳосилни қоп-қанорсиз ташишнинг борши тўғрисида 1961 йил 28 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(Пахта тайёрлаш — планга нисбатан, машина терими ва ҳосилни қоп-қанорсиз ташиш — мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Пахта тайёрлаш			Пахтани қоп-қанорсиз ташиш
	бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими	
ХОРАЗМ	0,21	111,34	47,29	68,63
САМАРҚАНД	0,04	103,09	48,44	140,45
Тошкент	0,09	95,39	53,13	116,30
Қорақалпоғистон АССР	0,26	93,65	25,19	67,34
Андижон	0,16	92,37	36,74	128,44
Сурхондарё	0,20	85,70	52,18	111,29
Фарғона	0,30	79,65	11,08	96,40
Бухоро	0,12	79,59	21,38	71,10

БУТУН КУЧ ВА ҒАЙРАТИМИЗНИ КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИГА САРФЛАЙЛИК!

МАВЖУД РЕЗЕРВ ВА ИМКОНИЯТЛАР ТЎЛА ИШГА СОЛИНСИН

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

□ □ □

ТЕРМИЗ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири) Бу ерда Сурхондарё область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда КПСС XXII съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида область партия комитетининг биринчи секретари Н. Ж. Худойбердиев доклад қилди.

— КПСС XXII съезди,—дейди докладчи, — тарих саҳифаларига коммунизм қурувчилар съезди бўлиб киради. Бу съезд совет халқининг ҳаётида, халқаро коммунистик ҳаракатда ва бутун прогрессив инсоният ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Чунки XXII съезд жаҳонда энг адолатли жамият — коммунизм қуриш Программасини, XX асрнинг Коммунистик манифестини қабул қилди.

КПСС XXII съездининг тарихий аҳамияти яна шундаки, у совет халқи ва унинг авангарди Ленин партиясининг XX съезди бошлаб берган жуда муҳим даврнинг якунларини тўплади. Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитет партиянинг XX ва XXI съездлари қарорларини оғишмай амалга ошира бориб, бутун партия ва халқ томонидан қораланган Сталин шахсига сиғинишнинг зararли оқибатларини тугатди. XXII съезд марксизм-ленинизмнинг руҳига ёт бўлган шахсга сиғинишни ва у билан боғлиқ бўлган жуда кўпол хато ва бузилишларни қатъий коралади, партия ҳаётининг ленинча нормалари ва принципларини тиклади. Молотов, Маленков, Каганович ва бошқаларнинг партияга қарши фракцион группасини тамомила тор-мор келтирди.

Съезд коммунистик қурилишнинг янги вазифаларини белгилади, коммунизм сари олға ҳаракат қилишимизнинг жуда катта истиқболларини очиб берди, халқни янги меҳнат ғалабаларига руҳлантирди.

Барча совет кишилари билан бирга Сурхондарё областининг меҳнаткашлари ҳам съезд қарорларини бирдамлик билан маъқулладилар ва коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга зўр ғайрат билан киришдилар. Область саноати 10 ойлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарди, пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик маҳсулот берди. Шунингдек, қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Давлатга қоракўл тери, пилла, мева, узум ва полиз экинлари маҳсулотлари сотиш планлари ошириб бажарилди. Сариосиё, Денов ва Жарқўрғон районларининг пахтакорлари давлатга «оқ олтин» сотиш планларини ошириб адо этдилар. Ана шу районлар бу йил ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 20 минг тонна кўп пахта топширди.

Бироқ кўпчилик колхоз, совхоз ва районларда пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш суръатлари қониқарсиз бормоқда. Бу йил давлатга 400 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олган область колхоз ва совхозлари ҳозиргача 334 минг тонна пахта топширдилар, холос. Бешкент, Косон, Қарши, Ғузор районларида йиллик план атиги 40-60 процент бажарилгани ҳолда, терим суръати ниҳоятда бўшаштириб юборилган. Термиз, Аҳгор, Китоб ва Шаҳрисабз районларида мавжуд ички резерв ва имкониятлар тўла ишга солинмаяпти.

Область партия ташкилоти олдида жуда муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу КПСС XXII съезди қарорларини ва партия Программасини. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладларини ҳар бир меҳнаткаш онгига чуқур сингириш, корхоналар коллективлари, колхоз ва совхоз меҳнаткашларининг бутун куч ва ғайратини 1961 йил планларини ҳамда етти йиллик топшириқларини бажаришга сафарбар қилишдан иборатдир.

Йиғилишда сўзга чиққан КПСС XXII съездининг делегати, Сариосиё район партия комитетининг секретари М. Умаров қуйидагиларни айтди.

— Районимиз меҳнаткашлари, съезд қарорларини бирдамлик билан қутиб олдилар. Улар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Пахта тозалаш заводи, маҳаллий саноат комбинати каби илгари колоқ бўлиб келган корхоналар 10 ойлик планларини ошириб адо этиб, илғорлар қаторидан жой олдилар. Район пахтакорлари областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардилар. Улар давлатга 45.5 минг тонна «оқ олтин» сотдилар. Биз бу йил ҳамма колхозлар ва далачилик бригадаларининг давлат пахта тайёрлаш планини ошириб бажаришини таъминлаймиз.

Сўнгра М. Умаров айтадики, КПСС XXII съезди қарорлари ва Ўртоқ Н. С. Хрущчевнинг Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон ССР ва Қозоғистон жанубий областлари қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашида сўзлаган нутқида берилган қимматли тавсия ва таклифларни муҳокама қилиб, ҳайдаладиган ҳар 100 гектар ер ҳисобига 75 центнер, бошқа яроқли ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 16 центнер гўшт етиштиришни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик.

Термиз шаҳар партия комитетининг секретари С. Соҳибов шаҳар саноат корхоналарида «коммунизмни ўз меҳнатимиз билан қурамиз» шиори остида социалистик мусобақа кун сайин авж олаётганлиги ҳақида гапирди. Шаҳардаги 8 та йирик саноат корхонаси 20 ноябрдаёқ 11 ойлик планни бажариб, қўшимча 1685 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Шаҳар электростанцияси, нон заводи, 53-автобаза коллективлари олингай социалистик мажбуриятларини ҳам ошириб адо этди.

— КПСС XXII съездининг қарорлари кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди, — деди Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхози маккажўхорикорлик бригадасининг бошлиғи Т. Рўзмуродов, — биз 1962 йилда маккажўхорининг ҳар гектаридан 1000 центнердан кўпроқ ва 60 центнердан дон етиштирамиз. Бунинг учун 200 гектар ердаги маккажўхори майдонининг ҳаммасини шудгорлаб қўйдик.

Партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. М. Мусахонов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Шунингдек актив йиғилиши ишларида КПСС Марказий Комитетининг инструктори Ўртоқ М. В. Голубев ҳам қатнашди.

Партия активи йиғилиши КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини, съезд қабул қилган Программа ва Уставни яқдиллик билан маъқуллади ва саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда маданиятни янада юксалтириш соҳасида партия ташкилотларининг конкрет вазифаларини белгилаган қарор қабул қилди.

Партия активининг қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига мактуб қабул қилдилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг сут соғувчиси Раъно Бўронова 15 бош сигирнинг ҳар биридан 5 тоннадан сут соғишга аҳд қилиб, ўз мажбуриятини шараф билан бажармоқда. КПСС XXII съездининг делегати Раъно Бўронова съезддан қайтиб келгач, колхозчиларга, дугоналарига съезд материалларини тушунтира бошлади. СУРАТДА: Раъно БУРОНОВА (ўртада) дугоналари Дилбар ИЎЛДОШЕВА ва Ҳамро РАҲИМБЕРДИЕВА билан.

Н. Муҳаммаджонов ва А. Усмонов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЯНА 2 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

—Партия XXII съезди шарафига бошланган мусобақани давом эттирямиз, — дейишади Самарқанд консерва заводининг ишчи ва хизматчилари. Съезд материалларидан илҳомланган консервачилар шу унутилмас кунларда ажойиб ғалабани қўлга киритдилар.

Корхона коллективи 1961 йил ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажарди. Маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳисобига 142 минг сўм тежалди. Йил охиригача пландан ташқари 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади—консервачиларнинг аҳди ана шундай.

1962 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Хева шаҳар саноат комбинати коллективи йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажарди. Корхонанинг Болта Раҳмонов, Ўринбой Абдураҳимов ўртоқлар бошлиқ дурадгорлик ва гишт пишириш цехларининг ишчилари йиллик ишлаб чиқариш топшириғини муддатидан олдин бажардилар. Обод Бобожонов, Ҳайитбой Шихов, Султон Қурёзов каби пешқадамлар кунлик норма 2-3 баравар ортиғи билан бажармоқдалар.

Шу кунларда йиллик пландан ташқари 1700 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган меҳнатсевар корхона коллективи 1962 йил ҳисобига яна 18 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Р. ОТАЖОНОВ,
Ю. РЎЗИМАТОВ.

ЭРИШИЛГАН МУВАФФАҚИЯТЛАР АМАЛИЙ ИШ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАНСИН

САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

□ □ □

Самарқанд меҳнаткашлари Ватанимиздаги барча халқлар сингари буюк тарихий воқеа — КПСС XXII съезди қарорларини ўзларининг жонажон иши, ўз истиқболларининг улуғ Программаси деб қабул қилдилар. Ишчилар, колхозчилар ва совет зиёлиларининг бутун диққат-эътибори, фикри-зикри съезд қарорларини амалга ошириш, коммунизм барпо этишни тезлаштиришга қаратилган. Меҳнаткашларда сиёсий ва меҳнат активлиги ғоят ўсган шундай бир пайтда область ва шаҳар партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда область партия комитетининг биринчи секретари О. Маҳмудов КПСС XXII съездининг якунлари ва область партия ташкилотининг вазифалари ҳакида доклад килди. Докладчи айтдики, КПСС XXII съезди партиямизнинг шонли, кахрамонона тарихида алоҳида ўрин олади. Съезд мамлакатимизда коммунизм қуриш программасини кабул килди. Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг съездда қилган докладларида ва якунловчи ёркин нуткида партия XX съездидан кейин ўтган давр ичида Марказий Комитет фаолияти, бутун партиямиз фаолияти чуқур анализ килинди. Ана шу ҳужжатларда мамлакатимизнинг ички ва халқаро аҳволи батафсил баён этилди, коммунизм ғалабаси учун курашда партиянинг буюк ташкилотчилик роли аниқ кўрсатиб берилди.

XXII съезд партия XX съезднинг сиёсий йўли тўла тантана қилганлигини бирдамлик билан таъкидлади. Партия ҳаётининг ленинча нормалари ва коллектив раҳбарлик принциплари тикланди, партиялилар оммасининг ижодий ташаббуси бенихоя ўсди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXII съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун курашда мингминглаб ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатаётганликларини мамнуният билан кайд килдилар. Область саноати ойлик ва квартал планларни ошириб бажариб келмоқда. Кишлок хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Кўпгина районлар, йирик хўжаликлар пахтанинг ялпи ҳосилини ўтган йилдагига қараганда бу йил анча кўпайтирдилар, ҳосилдорликни оширдилар.

Партия активи йиғилишида Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон ССР ва Қозоғистон жанубий областлари қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашида берган қимматли маслаҳатлари ва тавсиялари қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, пахта ва гўшт етиштиришни кўпайтириш учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Йиғилишда ҳамма колхоз ва совхозларда гектаридан олинадиган пахта ҳосилини камида 25 центнерга етказиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди ва бу вазифани тезроқ ҳал этишнинг конкрет йўллари белгиланди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққан Самарқанд шаҳар партия комитетининг секретари О. Умаров КПСС XXII съездининг тарихий ҳужжатлари шаҳар меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активлигини юксалтириб юборгани ҳақида гапирди. Жомбой район партия комитетининг секретари З. Холматов айтдики, партия XXII съезди совет халқини буюк программа билан қуроллантирди. Ҳар бир меҳнаткаш съезд белгилаб берган вазифаларни бажаришга ўз хиссасини қўшиш учун курашяпти. Район пахтакорлари бу йил катта ғалабага эришдилар, пахта тайёрлаш плани ошиғи билан бажарилди. Бир йил ичида ҳосилдорлик 3.5 центнерга ошди. Нотиқ район партия ташкилотининг кам ҳосилли қолоқ хўжаликларни илғорлар даражасига кўтариш учун амалий тадбирлар кўраётганлиги ҳақида тўхталиб ўтди. У айтдики, якин йиллар ичида ўртача ҳосилдорлик 25 центнерга етказилади, гўшт етиштириш кўпаяди.

— Партиямиз совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди, деб айтган танланги шиори ҳаммамизни руҳлантиради, — дейди чой кадоқлаш фабрикасининг ёш ишчиси Л. Ермолова, — съезд қарорларида ва кадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг докладларида совет халқи амалга оширган катта ишларга якин ясалди, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш истиқболлари очиб берилди. Биз партиямиз кўрсатиб берган йўлдан ишонч билан олга бормоқдамиз. Ҳеч истисносиз айтамизки, коммунистик жамият ўз меҳнатимиз билан қурилади, биз ана шу бахт-саодатли даврда яшаймиз, ишлаймиз.

Иштихон районидаги «8- Март» колхозининг илғор бригада бошлиғи О. Темирова ўз колхозининг ютуқлари ҳақида ҳаяжонланиб гапиради. Бу колхоз 2106 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32.5 центнердан ҳосил кўтарди, давлатга пландан ташқари 900 тонна пахта сотди. Колхоз аъзолари гўшт, жун, сут, қоракўл тери тайёрлаш планларини ҳам ошиғи билан бажардилар.

Химикларнинг меҳнат ғайрати тўғрисида гапирган суперфосфат заводининг директори В. Н. Ерофеев айтдики, тарихий съезд тугаши билан коллективимиз унинг қарорларини бажаришга ғайрат билан отланди. Йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш плани 15 декабргача бажарилади. 1962 йилнинг январь ойидан бошлаб ўғитнинг янги тури — аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқарилади.

Область комсомол комитетининг секретари Ф. Мақсумова ўз оўзида комсомол-ёшларнинг ватанпарварлик ҳаракати ҳақида жонли мисоллар келтирди. Областнинг 6 мингдан кўпроқ ишчи ва колхозчи ёшлари партия XXII съездига шахсий совға тақдим этди. 32 минггa яқин йигит ва қиз коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олиш учун курашаётганларнинг сафидан муносиб ўрин эгаллади. Минглаб ёш пахтакор кўпминг килограммчилар ҳаракатида қатнашди, мавсумда уларнинг ҳар бири 10-15 тоннадан пахта терди.

Партия активи йиғилишида ишлаб чиқаришга раҳбарлик даражасини кўтариш, партиявий-ташкилий ишларни яхшилаш, бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш масалалари ҳақида кенг фикр алмашилди. Нотиқлар партиявий иш методлари ва формаларини такомиллаштириш, ходимларнинг ишчанлик ва жангговарлик қобилиятини ошириш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйиш, омма орасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш ҳақида қимматли маслаҳатлар бердилар. Улар бу соҳада юз бериб келаётган камчиликларни танқид, ўз-ўзини танқид асосида кўрсатиб ўтдилар.

Партия активининг йиғилиши КПСС XXII съезди қарорларини, партиямиз Программасини ҳар бир меҳнаткаш онгига чуқур сингириш, жойларда ана шу тарихий ҳужжатлар юзасидан лекциялар, докладлар ва суҳбатлар уюштириш — партия ташкилотларининг шу кеча-кундуздаги асосий вазифаси, деб уқдириб кўрсатди.

Йиғилиш КПСС XXII съезднинг тарихий ҳужжатларини, партия Программаси ва Уставини яқдиллик билан маъқуллади.

Йиғилиш ишларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидат ва республика Халқ хўжалиги кенгашининг раиси Н. В. Мартинов қатнашди ва сўзга чиқди.

Йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига табрик хати қабул қилдилар.

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

Ўзбекистон Коммунистин партияси Марказий Комитетининг назарий ва сиёсий журнали «Ўзбекистон коммунисти»нинг ноябрь сони босмадан чиқди. Журналда Совет Иттифоқи Коммунистин партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида информацион билдириш, КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистин партияси XXII съезднинг Резолюцияси, Совет Иттифоқи Коммунистин партиясининг Программаси ва Совет Иттифоқи Коммунистин партиясининг Устави эълон қилинган.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ПОЧТАСИ

«Қизил Ўзбекистон» газетасига келаётган хатлар кейинги кунларда яна кўпайди. Бу хатлардан совет кишилари КПСС XXII съезднинг тарихий қарорларини зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қутиб олганликлари кўриниб турибди. Хатларда меҳнаткашлар ўзларининг Ленин партиясига бўлган меҳр-муҳаббат ва чексиз садоқатларини изҳор қиладилар.

Ўрта Осиё республикалари, Озарбайжон ССР ва Қозоғистоннинг жанубий областлари қишлоқ хўжалик ходимларининг якинда Тошкентда бўлиб ўтган кенгаши ва бу кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг сўзлаган нутқи республика меҳнаткашларини янги муваффақиятларга илҳомлантирди. Жуда кўп хатларда колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин даражада кўпайтиришга астойдил интилаётганликлари ҳикоя қилинади.

— Съезд томонидан қабул қилиниб, халқ бахти манифести номини олган янги Программа, — деб ёзади газетхон О. Имомназаров, — Янгиқўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозининг меҳнаткашлари ўзларининг жонажон иш программаси деб қабул қилдилар ва партия томонидан белгиланган режаларни чин қалбдан маъқуллаб коммунизм қурилишини тезлатишга қаратилган олижаноб вазифага ўз ҳиссаларини қўшишга астойдил бел боғладилар. 1450 гектарда пахта етиштирган бу колхоз аъзолари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятни ноябрнинг биринчи ўн кунлигидаёқ бажарган эдилар. Улар энди давлатга яна 450 тонна «оқ олтин» сотиш ҳақидаги аҳдларини ҳам муваффақиятли уддалаш учун курашмоқдалар.

Колхознинг перспектив планига кўра 1962 йилда гектаридан ўрта ҳисобда 35 центнердан пахта ҳосили етиштириш мўлжалланган. Шунинг учун ҳам колхозда ғўзапоядан тозаланган майдонларни шудгорлаш қизитиб юборилди.

— Колхоз партия йиғилиши,— дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Тошматов,— 10 декабргача ҳамма экин майдонларини шудгордан чиқаришга қарор қилди. Бу ишга колхоз коммунистлари бошчилик қилмоқдалар.

Редакцияга келаётган хатларнинг мазмуни хилма-хилдир. Масалан баъзи ишлар меҳнат новаторларининг партия XXII съезди тарихий қарорларидан илҳомланиб яратаётган янгиликлари ҳикоя қилинса, айримларида корхоналар, колхоз-совхозлар ва партия, совет, хўжалик ташкилотларининг амалий ишларида юз берётган камчиликлар танқид остига олинмоқда.

Ғузор районлик қишлоқ мухбирлари Ҳусан Аминов, Эшпўлат Даминовлар «Қиш кутиб турмайди» сарлавҳали хатларида район раҳбарлари чорва қишловига яхши эътибор бермаётганликларини танқид қиладилар.

— Ўтган хўжалик йилида, — дейилади хатда, — қишга яхши тайёрлик кўрилмади, ем-хашак етарли даражада жамгарилмади. Шунинг учун ҳам қиш ойларида кўпгина чорва моллари нобуд бўлган эди. Район раҳбарлари бу ачиқ сабоқдан тегишли хулоса чиқариб олмаётирлар. Районда емхашак тайёрлаш плани атиги 31.7 процент бажарилди. Колхоз-совхозларда 14 сигирхона, 174 қўтон ҳали ҳам ремонт қилинмаган.

Ҳозирги кунларнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат. Йўл қўйилган бу камчиликларнинг олди олинмаса ўтган йилги қийинчиликларнинг такрорланиши табиий.

Тегишли ташкилотларга текшириб чора кўриш учун юборилган материалларга жавоб хатлари ҳам олинмоқда.

Сурхондарё область, Китоб районидаги Свердлов номли колхознинг бригада бошлиғи Шерматов колхозчилар ҳақига хиёнат қилаётганлиги ҳақидаги хат область партия комитетига юборилган эди.

Область партия комитети жавобида бундай дейилади: хатда кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Бригада бошлиғи Шерматов ўз вазифасидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик артели Уставига хилоф ишлар қилган. Жамоат ерини талонторож қилган. Шахсан ўзи 14 гектар ерга арпа экиб олган. Қурилиш материалларини ўзлаштириб қалбаки ҳужжатлар ясаган. Колхоз правлениеси эса уни жавобгарликка тортиш ўрнига, раис муовини қилиб қўйган.

Текшириш натижаси колхозчиларнинг умумий мажлисида муҳокама қилиниб, Шерматов вазифасидан олиб ташланди. Қонунсиз ўзлаштириб олган дон, пул ва қурилиш материаллари ундириб олинди.

Бухоро область, Вобкент районидаги Жданов номли колхозда олинган шиноят хатда шу колхознинг раиси Евқочди Шукруллаев ғўё ножўя ҳаракатлар қилаётгани кўрсатилган эди. Бу ҳақда Бухоро область партия комитетидан қуйидаги жавоб хати олинди.

Хат юзасидан колхозда ўтказилган текширишда шу нарса аниқланганки, колхознинг собиқ раиси Асадов ва собиқ бухгалтери Омоновлар янги правление составига ва унинг раиси Евқочди Шукруллаевга қарши группа тузиб, туҳмат уюштирганлар, Жуда кўп ташкилотларга шикоят хатлари ёзганлар. Уларнинг бу ҳатти-ҳаракатлари колхоз ишлаб чиқаришига салбий таъсир қилган.

Текшириш натижаси колхоз бошлангич партия ташкилотининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, туҳматчи Омонов ва Асадовлар партия сафидан ўчирилган.

ПАРТИЯ СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ КОЛХОЗЧИЛАР МУҲОКАМАСИДА

Тушки овқатга занг урилгач, колхозчилар бирин-кетин дала шийпонига йиғилдилар. Улар овқатланиб бўлгач, шинам безатилган супа ва кроватларга чиқиб ўтиришди.

6- бригада бошлиғи Аҳрор Саидакбаров бугунги суҳбатни колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Жамиров ўтказажагини, суҳбатга қўшни бригада аъзолари, механизаторлар, чорвачилик фермаларининг ходимлари ҳам иштирок этаётганлигини айтди.

Ширинбой Жамиров қўлидаги газета ва ён дафтарига бир қараб олгач, сўз бошлади:

— Ўз ишини яқиндагина тамомлаган партиямиз XXII съезди қарорларини колхоз радиоузели орқали эшитдингиз. Лекин, бу илҳомбахш ҳужжатларни ҳар биримиз ўз онгимизга чуқур сингириб олишимиз учун уларни қайта ва қайта ўқиб чиқишимиз лозим. Ахир уларда эртаги ёрқин ҳаётимиз аниқ ва равшан, ленинча доҳолик билан чизиб берилган-да!

Ўртоқ Жамиров ўз ҳамқишлоқларига Ўртасаройнинг илғариги қиёфасини эслатиб ўтди. Ўтмишда бу қишлоқ марказида биттагина сарой ва қоронги зах чойхонадан бўлак биронта дурустроқ бино бўлмаган.

— Қишлоғимизнинг ҳозирги қиёфасига назар ташланг-а, — завқланиб гапирарди лектор. — Ўн йиллик мактаб, болалар боғчаси, касалхона, ёзги кинотеатр бинолари, дорихона, меҳмонхона, колхозчиларнинг қатор-қатор данғиллама уйларини кўриб дилингиз қувонади.

— Буларнинг ҳаммасига партиямиз туфайли эришдик, — луқма ташлади колхознинг кекса аъзоси Бакир ота Жўлтоев,—4-5 йил бурун 800 гектар ерга чигит экиб, ҳосил 20 центнердан ошмасди. Бу йил эса 1150 гектар ернинг ҳаммасига чигитни квадратлаб экиб, 30 центнердан ҳосил кўтардик.

— Партия Программаси, — деди қўшни бригаданинг звено бошлиғи Баҳодир Раҳматов, — коммунизм қуришда йўлчи йўлдузимиз бўлиб хизмат қилади. Унда белгиланган вазифаларни бажариш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Суҳбатнинг жонли, дилкаш тусга кирганини кўриб қувонган партбюро секретари сўзлашни истаган колхозчиларга бирин-кетин сўз берди.

Шундан кейин Ўртоқ Жамиров колхоз экономикасини янада юксалтириш режалари ҳақида, пахтакорлар олдидаги улкан вазифалар ҳақида гапирди.

Шу кунларда Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда бўлиб, артель аъзоларининг иши билан танишган киши ҳар бир колхозчининг меҳнат кўтаринкилиги билан яшаётганини кўради.

Съезд материаллари колхознинг барча бригадаларида, чорвачилик фермаларида, колхозчиларнинг хонадонларида зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

ДАВРИМИЗНИНГ БУЮК ҲУЖЖАТЛАРИ

Тўрткўл шаҳар партия комитети партия маорифи шоҳобчаларида КПСС XXII съезди материалларини ўрганишни ташкил қилди. Шаҳар партия комитетининг секретарлари ва бюро аъзолари машғулот кунларида тўгаракларда бўлиб, шу ҳақда лекция ўқимоқдалар ва докладлар қилмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган 132 тўгаракда қатнашаётган 2500 га якин коммунист ва партиясиз тингловчилар бу тарихий ҳужжатларни пухта ўрганмоқдалар. Шахар партия комитети ҳузурида махсус консультация пункти ташкил килинди. Кутубхоналар ҳузурида съезд материалларига бағишланган фотовиставкалар очилди.

Б. Муфтиллаев, П. Назаренко ўртоқлар пропагандистлик қилаётган КПСС тарихини ўрганиш тўгараклари ва снёсий мактабларнинг тингловчилари ҳам замонамиз қомуси деб аталган съезд ҳужжатларини пухта ўрганяптилар.

Ленин номли колхоз коммунистлари партия маорифи тўгаракларида машғулотларни ташкилий, томондан пухта тайёрлик ва уюшқоқлик билан бошлаган эдилар. Съезд қарорлари ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладлари эълон қилиниши билан 14 тўгарак ҳамда снёсий мактабнинг ҳаммасида шу ҳужжатларни ўрганишга киришилди. Р. Еқубов, С. Машарипов ўртоқлар пропагандистлик қилаётган қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш ва КПСС тарихини ўрганиш тўгараклари тингловчилари ҳам замонамиз қомуси деб аталган съезд ҳужжатларини пухта ўрганяптилар.

Ленин номли колхоз коммунистлари партия маорифи тўгаракларида машғулотларни ташкилий, томондан пухта тайёрлик ва уюшқоқлик билан бошлаган эдилар. Съезд қарорлари ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг докладлари эълон қилиниши билан 14 тўгарак ҳамда снёсий мактабнинг ҳаммасида шу ҳужжатларни ўрганишга киришилди. Р. Еқубов, С. Машарипов ўртоқлар пропагандистлик қилаётган қишлоқ хўжалик конкрет экономикасини ўрганиш тўгараклари тингловчилари бу соҳада айниқса намуна кўрсатмоқдалар. Машғулотлар кўргазмали қуроллар, фотоальбомлар, схема ва диаграммалардан кенг фойдаланилган ҳолда, хўжалик олдида турган вазифалар билан боғлаб ўтказилянти.

Шаҳардаги М. Горький номли, «Партия XXI съезди» колхозларида ташкил қилинган тўгаракларда ҳам съезд материалларини ўрганиш юқори савияда ўтяпти ва тингловчиларда яхши таассурот қолдиряпти.

С. МАДАМИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

КПСС XXII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРАМИЗ!

Коммунизм ёнилғиси

«МАМЛАКАТНИНГ ШАРҚИЙ РАЙОНЛАРИДАГИ ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш соҳасида партия томонидан белгилаб берилган йўл изчиллик билан амалга оширилди. Сибирь дарёларининг бой энергетика ресурслари ва арзон кўмир базасида йирик электростанциялар қурилмоқда. Қозоғистон ва Сибирда темир рудаларининг янги катта-катта конлари халққа хизмат қилдирилмоқда. Металл ва кўмир ишлаб чиқариш тез ўсмоқда. Ўзбекистонда энг катта табиий газ конлари ишга туширилиши билан Ўрта Осиё республикалари яхши ёқилғи базасига эга бўлмоқдалар, арзон газ жуда кўп миқдорда Қозоғистон ва Уралга юборилади. Химия индустрияси юксак суръат билан ривожланмоқда».

(ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXII СЪЕЗДИГА ҲИСОБОТ ДОКЛАДИДАН).

«Бухоро—Урал» буюк газ дарёси қурилишида фидокорона ишлаётган ишчи ва инженер-техник ходимлар партиямизнинг тарихий XXII съезди қарорларидан руҳланиб, янада унумлироқ ишламоқдалар. СУРАТДА: Газли—Амударё участкасида газ қувурлари ётқизиш пайти.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

1. УЧИНЧИ БОКУ

Ленин мукофоти лауреати, атоқли совет геологи, профессор А. Бакиров 1956 йилда Тошкентда ўтказилган кенгашда Ғарбий Ўзбекистоннинг нефть ва газ бойликларига катта баҳо бериб, қуйидагиларни айтган эди:

— Бухоро-Хева нефть-газ вилоятининг геологик ўтмиши ёнилғи конларига бой бўлган Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг геологик ўтмишига ўхшайди. Буни Газли кони яққол исботлади. Бу конинг запаслари бутун дунёга машҳур бўлган Қувайт, Жанубий Ироқ ва Саудия Арабистони конларининг запаслари билан тенгдир.

Ўзбекистон халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планига мувофиқ, газ ва нефть саноати етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу улуғвор планда газ чиқаришни жуда тез суръатлар билан кўпайтириш кўзда тутилган. Шунинг натижасида Ўзбекистон 1965 йилга бориб Совет Иттифоқида газ саноатининг энг катта марказларидан бири бўлиб қолади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев 1957 йилда СССР Олий Советининг юбилей сессиясида қилган докладида халқ хўжалигида тошкўмир ва бошқа ёқилғилар ўрнига табиий газдан кенг фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди. Табиий газ энг арзон ёқилғидир. Бир тонна шартли ёқилғига тенг келадиган табиий газ олиш харажатлари шунча кўмир чиқариш харажатларига қараганда йигирма марта камдир, газ чиқаришдаги меҳнат унумдорлиги эса кўмир чиқаришдаги меҳнат унумдорлигига қараганда 15 марта юқори бўлади. Партиямиз яқин 10-15 йил ичида табиий газ чиқаришни 15 баравар кўпайтириш, шундай қилиб мамлакатимиз ёқилғи базасининг сифатини тубдан яхшилаш вазифасини қўйди.

Бухоро области Ўзбекистон ССРнинг энг муҳим газ чиқарадиган районларидан бири бўлиб колмоқда. Бу ерда мамлакатимизда энг йирик газ конлари топилди. 1959 йилда Жарқоқ, Саритош, Қоровул Бозор ва Сеталантепа газ конлари саноат учун фойдаланишга топширилди. Бу йил мамлакатимизда энг йирик бўлган Газли кони саноат учун фойдаланишга топширилади.

1958 йилда Сурхондарё областининг Косон районидаги Муборак қишлоғида янги катта табиий газ кони очилди. Биринчи қудуқдан 120 атмосфера босимида газ отилиб чиқди. Муборак кони ҳам эксплуатацияга топширишга тайёрланмоқда.

Газли конини разведка қилиш тугалланди. Бу табиий газ конияузунлиги 40 километр ва эни 12 километр келадиган жуда катта антиклинал бурмадан иборат. Газли конида 185 метрдан тортиб 280 метргача қалинликда бўлган мўл-кўл газ қатламларидан 6 таси топилди. Барча газ запасларининг тахминан 75 проценти тўпланган IX ва X қатламлар ер юзасига анча яқин жойлашган бўлиб. уларнинг чуқурлиги 800 метрдан 1200 метргачадир. Газли кони жуда ҳам қой кондир: газ қудуқлари бир метр узайиши билан «занғори ёнилғи»нинг саноат запаслари 3800 минг кубометр ошади. Бундай юқори самара берган геология разведка ишлари жаҳон практикасида кўрилган эмас.

Бухоро-Хева нефть-газ вилоятидаги мўл-кўл газ қатламлари бир мунча юзада ётганлиги, газ қудукларининг дебитлари юқори бўлганлиги ва газ запасларининг мўллиги туфайли Ғарбий Ўзбекистонда қисқа муддатда кучли газ саноати барпо этилади.

Етти йилликнинг охирига келиб Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва мойларни Совет Иттифоқининг бошқа районларидан ташиб келтирмайдиган бўлади. республикаининг шу хилдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи маҳаллий корхоналар ҳисобида тўла равишда қондирилади. Ўзбекистон экономикасида табиий газнинг қўлланиши натижасида республикамиз 1965 йилга келиб Донбасс, Кузбасс ва Қараганда кўмирларини узоқ масофадан кўп маблағ сарфлаб ҳар йили 4 миллион тонна миқдорида ташиб келтиришдан тамомила воз кечади.

Бухоро-Хева нефть-газ вилоятидаги табиий газнинг прогноз запаслари 1,8 триллион кубометрни ташкил этади. Табиий газ запаслари жиҳатидан Ўзбекистон СССР да олдинги ўринлардан бирини эгаллайди.

Табиий газ қазиб олиш ҳам йилдан йилга кўпайиб бораверади. Етти йиллик давомида газ қазиб олиш 106 марта кўпаяди. Агар 1958 йилда 123 миллион кубометр газ олинган бўлса, 1965 йилда 18,3 миллиард кубометр арзон ва қулай ёнилғи олинади.

Республикамиз ёнилғи балансида табиий газнинг салмоғи кескин даражада ўсади. Бу иккинчи расмдан яққол кўриниб турибди.

Ўзбекистон ёнилғи балансида табиий газ салмоғининг ўсишини тасаввур қилиш учун уни Америка Қўшма Штатлари энергетика балансида табиий газнинг салмоғи билан солиштириб кўриш мароқлидир. Саноат аҳамиятига эга бўлган биринчи газопровод қурилганидан бери ўтган 85 йил ичида АҚШ энергетика балансида табиий газнинг салмоғи 28 процентни ташкил этди. Республикамиз ёқилғи балансида табиий газнинг салмоғини 60 процентга етказиш учун 7 йил кифоя қилади, холос. Биз ижтимоий тузумимизнинг афзалликларидан, хўжалик юритишнинг социалистик усули афзалликларидан фойдаланиб, бу катта ва шарафли вазифани ҳам муваффақият билан бажарамиз, албатта.

Шу кунларда Косон атрофидаги конларни разведка қилиш тугалланмоқда. Ҳисор тоғлари этагида ишлаётган геолог ва парма ловчиларимиз чуқуррок қатламлардаги ёнилғи конларини қидиришга киришдилар. Фарғоналиклар нефть ва газни янги-янги майдонларда қидирмоқдалар.

Республикамизнинг барча меҳнаткашлари синғари геолог ва парма ловчиларимизнинг ҳам мақсади бита: у ҳам бўлса коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшишдир.

«ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ соҳасида қуйидагилар назарда тутилади:

— Ўрта Осиёни газ ва гидроэнергиянинг жуда катта ресурсларидан фойдаланиш базасида энергетика ишлаб чиқаришлари жойлаштирилган энг муҳим районга айлантириш».

(СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ ТЎҒРИСИДА ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ ДОКЛАДИДАН).

2. САНОАТИМИЗ НОНИ

КПСС Программасида уқтириб ўтилганидек, коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда нефть ва газни кўплаб чиқариш изчиллик билан амалга оширилиб, улардан химия саноати учун хом ашё сифатида фойдаланиш ўса боради. Нефть чиқариш халқ хўжалигининг барча эҳтиёжларини тўла қондирмоғи лозим.

Республикамизда топилган битмас -тугаймас табиий газ бойликлари химия саноатини тез суръатлар билан ривожлантириш имконини беради. Химия саноатининг янги тармоклари барпо этилади. Табиий газдан ацетилен, органик синтез маҳсулотлари, шу жумладан пластмассалар, ацетат шойи, сунъий жун олиш учун хом ашё ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Республика химия саноатининг тўнғичи — Чирчиқ электрохимия комбинати тўла-тўкис табиий газ асосида ишлашга кўчирилиб реконструкция қилинади. Аммиак ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 14 марта ўсади. Табиий газ синтези асосида ацетилен ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Турли-туман ўғитлар, синтетик смолалар, кремний-органик бирикмалар ҳамда пластмасса ва синтетик тола олиш учун хом ашё сифатида қўлланиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилади. Комбинат тўла қувват билан табиий газ асосида ишлай бошлагач, йилига 300 минг тоннагача кўмир, 50 минг тоннагача кокс тежаб қолиш мумкин бўлади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи камаяди. шу жумладан аммиак таннархи икки марта арзонлашади.

Республика энергетика саноатини ривожлантиришда ҳам Бухоро табиий гази муҳим омиллардан бири бўлиб қолади. Иссиқлик электростанцияларини қуриш вақтдан ютишга имкон бериш билан бир қаторда капитал маблағлардан унумли фойдаланишга кенг йўл очиб беради. Қуввати тенг бўлган гидроэлектростанциялар ва иссиқлик электростанцияларини қуришда иссиқлик электростанциялари қуриш учун сарфланадиган вақт 2-3 йилга қисқаради. 60 процент камроқ капитал маблағ сарфланади.

Ҳозир Тошкент, Навоий ва Тахиатош шаҳарларида табиий газ асосида ишлайдиган ГРЭСлар қурилмоқда. Яқинда Тахиатош ГРЭСининг 12 минг киловатт қувватли биринчи навбати ишга тушди. Етти йиллик давомида Тахиатош ГРЭСининг қуввати 50 минг киловаттга етказилади ва у Бухоро табиий гази асосида ишлашга кўчирилади.

Навоий ГРЭСи ҳам тез суръатлар билан қурилмоқда. Бу нурхонанинг қуввати Владимир Ильич Ленин партиямизнинг иккинчи Программаси деб атаган ГОЭЛРО планининг тўнғичи — ДнепроГЭСнинг қувватига тахминан тенг бўлади. Шу йилнинг охирида Навоий ГРЭСининг 25 минг киловатт қувватли биринчи турбогенератори саноат учун ток бера бошлайди. 1962 йилда иккинчи турбогенератор ишга тушади ва станциянинг қуввати 50 минг киловаттга етказилади. Табиий газни қўлланиш станцияни бошқаришни бутунлай автоматлаштиришга ёрдам беради. Станция тўла қувват билан ишга тушгач, унда 30 киши ишлайди, холос.

1959-1965 йилларда Ўзбекистонда табиий газ билан ишлайдиган теплоэлектростанциялар қурилиши гидроэлектростанциялар қуриш учун мўлжалланган капитал харажатларни тахминан 100 миллион сўм камайтиришга имкон беради.

Табиий газдан металлургия саноатида фойдаланиш фақат ёқилғини тежашгагина имконият бериб қолмасдан, технологик жараённинг кўрсаткичларини яхшилашга, пўлат эритишни тезлатишга ёрдам беради. Владимир Ильич Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи ҳам табиий газ асосида ишлашга кўчмоқда. Мартен цехи коллективи печларни муваффақиятли равишда табиий газда ишлашга кўчирмоқда, газга ўтиш жараёнида меҳнат унумдорлиги кескин даражада пасайиб кетади деган мулоҳазалар амалда исботланмади. Пўлат табиий газ ёрдамида эритила бошлагач, ишлаб чиқарилаётган пўлатнинг таннархи 5 процент арзонлашди. Ҳозир мартен цехи коллективи пўлатни мутлақо мазут ишлатмасдан, табиий газнинг ўзи билан эритишга кўчиш учун тайёргарлик кўрмоқда. 1962 йилнинг биринчи ярмида бу тадбирлар амалга оширилади. Прокат цехида ҳам табиий газ қўлланилмоқда. Натижада иш шароити яхшиланди, меҳнат унумдорлиги ортди, ишлаб чиқарилаётган ҳар бир тонна прокатнинг таннархи 3 процент арзонлашди.

Ҳозир Қувасой ва Хилково цемент заводлари табиий газ асосида ишламоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги 7-10 процент ошди.

Ҳозиргача республикамиздаги 90 та саноат корхонаси табиий газ олди. Етти йилликнинг охирига бориб, уларнинг сони 350 тага етади.

Республикамиз газ саноатини ривожлантириш етти йиллик планининг амалга оширилиши СССР халқ хўжалигининг умумий тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилади ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТАБИИЙ ГАЗ ҚАЗИБ ОЛИШНИНГ ЎСИШИ



ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИНГ СХЕМАСИ

3. ДЎСТЛИК ЙЎЛИ

«Икки минг километрдан узоқроқ масофага эга бўлган Бухоро—Урал буюк янги газ магистралини қуриш авж олиб кетди. Бу газ қувури Урал меҳнаткашларига «Занғори ёнилғи» олиб бориш билан гина чекланиб қолмайди, шу билан бирга у жонажон қардошларимизга меҳр-муҳаббат ҳисси билан, халқларнинг ленинча дўстлиги ҳисси билан жўш ураётган қалбларимизнинг ҳароратини ҳам олиб боради».

Ўзбекистон газа — Совет Иттифоқидаги барча халқларнинг бойлигидир. Ўзбек халқи ўзининг интернационал бурчини шараф билан адо этиб, қардош иттифоқчи республикаларга табиий газ етказиб беришни йилдан-йилга кўпайтираверади. 1965 йилга келиб республикамизда қазиб чиқарилаётган табиий газнинг 70-75 проценти Урал иқтисодий районига, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон республикаларига юборилади. Бу эса қардош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига, халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг яна ҳам камол топишига хизмат қилади.

Урал! Мамлакатимиз металлургия саноатининг ўчоғи. Етти йиллик планга мувофиқ Уралнинг индустриал қудрати янада ортади. Металлургия, нефть, химия, машинасозлик саноатлари барқ уриб ривожланади.

Етти йилик давомида Урал саноатининг гигантлари — Магнитогорск ва Нижний Тагил металлургия комбинатлари анчагина кенгаяди. Урал металлургияси ўз маҳаллий рудасига эга бўлади. 1965 йилда фақат Челябинск областининг ўзи 1959 йилда Францияда эритилган чўянга нисбатан 3 марта кўп чўян эритади.

Урал бундан буён ҳам оғир машинасозлик маркази бўлиб қолаверади. Металлургия, энергетика ва химия ускуналарини ишлаб чиқариш кўпаяди, газ турбиналарини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Етти йилликнинг буюк режаларини амалга ошириш учун Урал ўзининг йирик ёнилғи ва энергетика базасига эга бўлиши керак. Дунёда энг узун бўлган Бухоро—Урал газ қувури шу мақсадда қурилмоқда.

Бухоро—Урал газопроводининг биринчи навбати — Газли—Челябинск газ қувури 1963 йилда қуриб битказилади. Бу газопроводнинг узунлиги 1967 километр бўлиб, йилига 8 миллиард кубометр газ юбориш мумкин. Газли — Свердловск газ қувури эса 1965 йилда қуриб битказилади. Диаметри 1 метру 20 миллиметр. узунлиги 2160 километр бўлган бу газ қувури орқали йилига 13 миллиард кубометр газ юборилади. Шундай қилиб, Урал саноат корхоналари йилига 21 миллиард кубометр арзон ва аъло сифатли ёнилғи оладилар.

...Газлидан Амударёгача Қизилқум барханлари ястаниб ётибди. Қум тепаларининг баландлиги 12 метрга етади. Газопроводнинг 170 километр узунликдаги дастлабки қисми Қизилқумнинг ана шу участкасини кесиб ўтади. Газопроводни Амударёдан ўтказиш анча мушкул иш. Чунки Аму ўз ўзанини бетўхтов ўзгартириб туради. Газопроводни Амударёнинг Дулдул-ҳатлаган деган дарасидан ўтказиш лойиҳалаштирилган. Амуга қуриладиган бу газ кўпрининг узунлиги 390 метр бўлади. Сўнгра газопровод Хоразм воҳаси бўйлаб қурилади. Воҳада шаҳар ва қишлоқларнинг зич жойлашганлиги, шунингдек автомобиль, темир йўлларнинг манжудлиги газопровод қувурларнинг ишини осонлаштиради.

Қўнғирот шаҳридан кейин газопровод Уст-юрт саҳросига киради. Бу ерда бир томчи сув топиш амри-маҳол. Уст-юртда ёзнинг жазирамасига, қишнинг аёзига бардош бериб ишлашга тўғри келади. 300 километр узунликдаги газопровод Уст-юрт саҳросида ётқизилиши керак, Уст-юрт Бухоро — Урал газопроводининг энг оғир участкасидир. Уст-юрт саҳроси ва Катта Барсуқ қумлигидан кейин газопровод Орол денгизи бўйи чўллари ва Жанубий Уралнинг обод районлари бўйлаб қурилади.

Буюк газ дарёси қурилишидаги ҳамма асосий ишлар механизациялаштирилади. Газопровод қурилишида 170 экскаватор, 2000 автомашина, 250 трубоукладчик ишлайди. Қурилиш ҳажмини кўз ўнгига келтириш учун трассада 10 минг киши ишлаётганини айтиб ўтиш кифоя.

Газопровод ишини бошқариш учун автоматизация ва телемеханизация кенг қўлланилади. Газопровод иши Свердловск шаҳрида жойлашган марказий диспетчерлик пунктидан туриб бошқарилади. Диспетчер Свердловск шаҳрида туриб газопроводнинг исталган қисмидаги газ босимини, унинг миқдорини, газ тақсимлаш станциялари қабул қилиб олаётган газ ҳажмини аниқлай олади.

Уралга қараб дастлабки қадам қўйилди. Партиямизнинг тарихий XXII съездини меҳнат зафарлари билан кутиб олган газопроводчилар 100 километрдан ортиқроқ газ қувурларини пайвандлаб қўйдилар. Олдинда Амударё! «Занғори олов» кишилари янги йилгача «сув тангри»си бўйига етиб олдилар.

РЕСПУБЛИКА ЁҚИЛҒИ БАЛАНСИДА ТАБИИЙ ГАЗ САЛМОҒИНИНГ ОРТИШИ



Бухоро табиий гази қардош қўшни республикаларнинг саноат корхоналаридаги печларда ҳам ёнмоқда. Бундан бир неча ой муқаддам улкан қозоқ элининг биринчи шаҳри Чимкент табиий газ билан таъминланди. Газопроводчилар колоннаси Олмаотага қараб йўл олди. Етти йиллик давомида Муборак — Душанба, Ламмикор— Душанба газ қувурлари қурилади. Тошкент—Олмаота газ қувуридан эса Фрунзе шаҳрига тармоқ ўтказилади.

Занғори олов йўллари — дўстлик, биродарлик, қардошлик йўлларидир. Бу йўллар — тафти қуёшдек баракали меҳр-муҳаббат йўлларидир.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ўрта Осиё нефть ва газ манбаларининг потенциал ресурслари жиҳатидан мамлакатимиздаги энг бой районлардан биридир. Иттифоқимиздаги нефть ва газ таҳминий запасларининг бешдан бири Ўрта Осиёда эканлиги аниқланган.

Бухоро — Урал газопроводини тамомлаш қуриб битказиш учун 500 миллион сўм сарфланади. Урал саноат корхоналари Бухоро табиий гази асосида ишлашга кўчгач, бу капитал маблағ 6 йил ичида ўзини қоплайди.

1965 йилда республикамизда аҳоли жон бошига газ истеъмол қилиш Иттифоқимиздаги ўртача даражадан бирмунча ортиқ бўлади. 1970-1973 йилларда Ўзбекистон ССР аҳоли жон бошига газ истеъмол қилишда Америка Қўшма Штатларидан ўтиб кетади.

1965 йилда республикамизда газ истеъмол қилиш 1959 йилдагига нисбатан 22 марта ошади. 30 шаҳар тўла газлаштирилади. Натижада кўмирдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларда қатнашаётган 15 минг ишчи оғир меҳнатдан ҳоли бўлади.

Бу саҳифани «Қизил Ўзбекистон» газетаси штатсиз бўлимининг ходими, геология-минералогия фанлари кандидати Ш. ДАВЛАТОВ ва «Қизил Ўзбекистон» ходими А. АБДУҚОДИРОВ уюштирди.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР Ташқи ишлар министрлиги 27 ноябрда АҚШнинг Москвадаги элчихонасига қуйидаги баёнотни берди:

СССР Ташқи ишлар министрлиги АҚШ нинг СССРдаги элчихонасининг эътиборини тубандагиларга жалб этиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди:

Германия Федератив Республикасининг туристлари — 1910 йилда туғилган Адольф Вернер ва 1916 йилда туғилган Хермина Вернер автомашинада Совет Иттифоқи бўйлаб саёҳат қилиб юрган вақтларида разведка маълумотлари тўплаш билан шуғулланганликлари компетентли совет органлари томонидан аниқланди.

Эр-хотин Вернерлар шу йил 2 сентябрда Киев яқинида ҳарбий кисм жойлашган районда жиноят устида қўлга тушдилар. Шу билан бирга улардан визуал разведка олиб боришда фойдаланиладиган техника воситалари ҳамда махфий белгилар билан хат ёзиш воситалари топиб олинди.

Адольф Вернер Америка разведкасининг ходими Ал Жонсон (яна бир оти Бауер) деган кимса томонидан 1960 йил август ойида ёлланганлиги тергов материаллари асосида аниқланди. Вернер Америка разведкасидан Жонсон орқали олинган маблағлар ҳисобига разведка тошириғини бажариш мақсадида СССРга сафар қилиш учун ҳозирлик кўрган.

Шу муносабат билан ва ўзига берилган топшириққа мувофиқ равишда СССР Ташқи ишлар министрлиги Америка разведка органларининг йўл қўйиб бўлмайдиган ишлар қилаётганлигига АҚШнинг СССРдаги элчихонасининг эътиборини жалб этиб ўтади ҳамда АҚШ ҳукумати туризмдан СССРга қарши жосуслик мақсадларида фойдаланилишини тўхатиш учун кескин чоралар кўришини қаттиқ талаб қилади».

ОТАШИН РЕВОЛЮЦИОНЕР ВА ЎЛМАС АДИБ

Д. А. ФУРМАНОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Дмитрий Андреевич Фурманов биринчи бўлиб коммунист образини яратган, талантли совет ёзувчисидир. У Улуғ Октябрь революциясининг қудратли тўлқинларида чиниқиб, жанг оловларида тобланган, бутун ҳаёти ва фаолияти коммунизм тантанаси учун бағишлаган улкан санъаткор. Унинг сермазмун ижоди, ёркин ҳаёт йўли ҳамма учун ибратли.

Дмитрий Андреевич Фурманов 1891 йилда деҳқон оиласида туғилди. Унинг ёшлиги тўқимачилар шаҳри машҳур Ивановода ўтди. Ёшлигида отаси уни савдо мактабига ўқишга берди. Бироқ адабиётни севган ёш Дмитрий савдо-коммерция ишлари билан қизиқмади. 1912 йилда Москва университетига ўқишга кирди.

Иваново - Вознесенск шаҳрида, 1918 йилда Коммунистик партиянинг атоқли раҳбарларидан бири, саркарда М. В. Фрунзе билан танишди. Бу учрашув Фурманов дунёқарашида, революцион ҳаёти ва адабий фаолиятида катта бурилиш ясади. Шу йили М. В. Фрунзенинг тавсияси билан у Коммунистик партия сафига кирди.

Граждан уруши йилларида партия Д. Фурмановни ўз вакили сифатида комиссар қилиб Чапаев дивизиясига юборди. Ҳушёр, сергак комиссар, партиянинг содиқ фарзанди ўзининг ақл-идроки, камтарлиги билан жангчилар ўртасида тезда шуҳрат қозонди.

Партия, шахсан Михаил Васильевич Фрунзе Фурмановнинг ажойиб фазилатларини сезиб, кейинчалик уни Туркистон фронтига ҳам юборди. Дмитрий Фурманов Туркфронт Сиёсий Бошқармасининг бошлиги бўлиб ишлади.

Тошкент, 1920 йил. Фурманов Туркфронт Реввоенсовет вакили сифатида Еттисув (Қозоғистон)га боради. Бу давр ўлкамиз учун оғир, мураккаб, қийин давр эди. Армияга қўшилиб кириб олган душманлар ҳали революциянинг тўб моҳиятини етарли даражада тушуна олмаган айрим қисмлардаги одамларни алдаб, исён ташкил этар эдилар. Бу исён Фурманов бошчилигидаги коммунистларнинг мардлиги, шижоати туфайли емириларди. Д. Фурманов чин маъноси билан комиссар эди. Фурмановнинг яхши хусуниятлари, Коммунистик партиямизга содиқлиги, принципиаллиги унинг асарларида ҳам ўзла ифодасини топган.

Дмитрий Фурмановнинг революцион курашда фаол қатнашиши, бой ҳаётий тажрибаси унинг ижодий фаолияти учун кенг имкониятлар очди. Граждан уруши йилларида у, матбуотда қатор мақола, очеркларк билан чиқди. У ўз мақолалари билан Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. Фурмановнинг хизмати шундаки, у коммунист — ёзувчи сифатида биринчи бўлиб коммунист образини яратди. Бу жиҳатдан унинг «Чапаев» асари диққатга сазовор. Бу асарда Совет Армиясининг энг талантли, жасур ва матонатли командирларидан бири қаҳрамон Чапаевнинг ёркин образи ҳар тарафлама очиб берилган. Фурманов ўзига хос эҳтирос ва мушоҳидакорлик билан Чапаевни истеъдодли, юрқмас командиргина эмас, балки айни замонда ўз Ватанини жондан севадиган бир инсон сифатида кўрсата олди. Ёзувчи ўз асарларида Коммунистик партиянинг революция ва унинг ғалабаларини мустаҳкамлашдаги, граждан урушидаги раҳбарлик ролини реал кўрсата олди. Ёзувчининг хизмати шундаки, у комиссар образи орқали партияни улуғлади. Чапаевдаги мураккаб характер комиссар таъсири туфайли ўзининг баъзи нуқсонларини йўқота олди.

Фурманов партиянинг иродаси билан Еттисувгача борди ва ўша даврдаги қолоқ деб аталган халқни севди, истиқболини яхши кўра олди. Ана шунинг учун ҳам «Исён» романи бунёдга келди. Шаҳобиддин образининг бу асарга киргизилиши тасодифий эмас. Автор ўнлаб шахсларни шу сиймо орқали умумлаштирди. Фурманов ўша даврда Туркистондаги мураккаб вазиятни тушуна олди. Партия ишончини оқлади. Шунинг учун ҳам биз унинг номини қайта-қайта тилга оламиз, унинг китобларини севиб ўқиймиз. Ҳа. Фурманов одамларнинг қалбига йўл топа билган эди; Иттифоқимизнинг ажралмас қисми бўлган Ўрта Осиёнинг кўпмиллатли халқи уни севиб, ҳар доим ёдда сақлайди.

Ўзбек китобхонлари Дмитрий Андреевич Фурманов асарларини 30-йилларданоқ ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар.

М. РАСУЛИЙ,
филология фанлари кандидати.

ЯШАСИН ҚАҲРАМОН КУБА ЁШЛАРИ, ВИВА!

Тошкент аэропорти азиз меҳмонлар кутиб олинадиган кунлардаги каби байрам либосига безанган. Бино пештоқини бошдан-охиригача эгаллаб турган қизил алвонда: «Революцион Кубанинг ёш вакилларига оташин салом!» деган сўзлар жилваланади. Никита Сергеевич Хрушчев билан Фидель Кастронинг портретлари олисдан кўзга ташланиб туради. 27 ноябрда Ўзбекистон пойтахти кубалик йигит ва қизлардан катта бир группасини кутиб олди. Улар бир йил давомида Тошкентда тўқимачилик саноати касбларини эгаллайдилар.

Тошкент ёшларининг неча юзлаб вакиллари — ишчи ва хизматчилар, студентлар, ҳунар мактабларининг ўқувчиларни меҳмонлар келмасдан анча олдиноқ, аэропортга тўпланган эдилар. Улар революцион Куба байроқларини, гулдасталарни кўтариб олганлар.

Тезучар улкан «ТУ-104» самолёти ерга қўнади. Куба ёшларининг вакиллари — 96 йигит ва қиз трапдан тушиб келади. Уларнинг офтобдан қорайган юзларида илиқ табассум ёнади. Булар — озод ва мустақил Кубанинг ёшлари, умиди ва истиқболидир! Меҳмонлар ва мезбонлар бир-бирлари билан танишадилар, қўл қисиб кўришадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Профессионал техника таълими бош бошқармасининг бошлиғи Г. И. Инжелевский митингни очади. «Хуш келибсиз, азиз дўстлар!» — деб хитоб қилади у. Куба ва СССР давлат гимнлари садоси янграйди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Э. Тўхтасинов кубаликларни республика комсомоллари ва барча ёшлари номидан қизғин табриклайди. Сизлар орқали, дейди у меҳмонларга қараб, биз Куба озодлиги ва мустақиллигининг ажойиб курашчиси Фидель Кастро бошлиқ бутун қаҳрамон Куба халқини чин юракдан табриклаймиз. Биз сизларга ҳамма билимларимиз ва тажрибаларимизни ўргатишга ҳаракат қиламиз. КПСС XXII съезднинг тарихий қарорлари билан қуроллланган бутун совет халқи коммунистик қурилишнинг буюк программасини амалга оширишга киришган ажойиб бир даврда республикамизга ўқишга келганлигингиздан айниқса хурсандмиз.

5-техника билим юртининг ўқувчиси С. Ортиқов ўз нутқида совет ва Куба халқларининг абадий бузилмас дўстлиги ҳақида гапирди. Биз шуни яхши биламизки, деди у, Кубада янги ҳаёт қурмоқ учун малакали кадрлар керак. Сизлар ўз ишини яхши биладиган мутахассис бўлиб олишингизда ёрдам бермоқ учун ҳамма чораларни кўрамиз. Биз бир-биримизга кўмаклашамиз, биргаликда ишлаймиз ва дам оламиз.

Митинг қатнашчилари Куба ёшларининг вакили Эулалио Рафаэль Кастронинг нутқини қизғин кутиб олдилар. Куба ёшларининг ўқиш учун СССРга келиши, уларнинг бу ерда очиқ чеҳра билан кутиб олинганлиги — Совет-Куба дўстлиги мустаҳкамланиб бораётганлигининг ёркин далилидир, деди у. Бу ерда оладиган билимимиз Латин Америкасидаги барча мамлакатларнинг озодлик сари йўлини ёритиб турган машъал каби Куба халқининг бахт-саодатига хизмат қилади.

Э. Р. Кастро Куба халқининг ўз мамлакати мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидаги мардона курраши ҳақида, янги ҳаёт қураётганлиги тўғрисида гапириб берди. Куба енгилмайди, дейди у, чунки Совет Иттифоқи бошлиқ бутун социализм лагери, бутун прогрессив инсоният унинг томонидадир.

Биз, деб таъкидлайди Эулалио Рафаэль Кастро, СССР меҳнаткашлари бутун дунёни қойил қолдириб коммунизм қурилишининг улуғвор программасини амалга ошира бошлаган вақтда СССР га келганлигимиздан жуда тўлқинланмоқдамиз ва хурсанд бўлмоқдамиз. Яшасин тинчлик ва дўстлик! Йўқолсин Америка империализми! Биз ғалаба қозонамиз!

Ёш кубаликлар «26 июль гимни»ни куйладилар.

Митинг тамом бўлди. Меҳмонлар шаҳарга йўл оладилар.

Тошкент Кубадан келган йигит ва қизларни кутиб олишга яхши ҳозирлик кўрди. Меҳмонлар 30-ҳунар мактабида ўқийдилар. Улар кенг хоналардан иборат янги икки қаватли бинода яшайдилар ва машғулот ўтказадилар. Амалий машғулотлар тўқимачилик комбинатида, «Таштекстильмаш» заводида ва бошқа корхоналарда ўтказилади. Бу корхоналарда меҳмонларга махсус иш жойлари ажратиб берилган. Машғулотлар программасига рус тилини ўрганиш ҳам киритилган. Куба вакиллари машғулотлар бошланишига қадар Ўзбекистон ёшларининг ҳаёти билан танишадилар, завод ва фабрикаларга, колхоз ва совхозларга, ўқув юртларига борадилар.

С. ҚАЛАНДАРОВ,
(ЎзТАГ мухбири).

Суратда: Куба ёшлари Тошкент аэропортида.
В. Сироткин фотоси.

ҲАР ИККАЛА МАМЛАКАТ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 27 ноябрь. (ТАСС). Бразилия жамоатчилиги Бразилия билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар тиклангалигини ҳамон қизғин мақуллаб, фикр билдирмоқда.

Бразилия ташқи ишлар министри **Сантьяго ДАНТАС** 25 ноябрда телевидение орқали нутқ сўзлаб, **СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТИКЛАНГАНЛИГИ — «БРАЗИЛИЯ ҲУКУМАТИНИНГ СУВЕРЕН ИШИ» БЎЛИБ, БУ НАРСА БРАЗИЛИЯНИНГ МИЛЛИЙ ЭКОНОМИКАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ЕРДАМ БЕРАДИ**, деди. Министр таъкидлаб айтдики, дипломатик муносабатларнинг тиклангалиги Бразилияга сиёсий ва молиявий-иқтисодий манфаатлар келтиради.

Бош министр **Танкредо НЕВЕС** ҳам 25 ноябрда Сан-Паулода берган баёнотида **СОВЕТ ИТТИФОҚИ БИЛАН ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТИКЛАНГАНЛИГИ БРАЗИЛИЯ УЧУН КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА ЭКАНЛИГИНИ ҚАЙД ҚИЛИБ** ўтди.

Миллий озодлик фронтининг раҳбарлиги бош министр Танкредо Невес ва ташқи ишлар министри Сантьяго Дантасга махсус телеграмма юборибдики, иккала мамлакат ўртасида дипломатик муносабатларни тиклаш тўғрисидаги қарорни маъқуллади.

Рио-Гранде-до-Сул ва Гоас штатларининг губернаторлари, миллий конгрессининг 14 депутати ва фронт раҳбарларининг бошқа аъзолари имзолаган ана шу телеграммада муносабатларни тиклаш туфайли «республика ҳукумати мустақил ташқи сиёсатни амалда ўтказа бошлади», деб таъкидланади.

Республиканинг собиқ президенти Кубичек ҳамда бошқа кўпгина сиёсий ва жамоатчилик доираларининг вакиллари ҳам муносабатлар тиклангалигини қувватламоқдалар.

Уч давлат кенгашига совет делегацияси келди

ЖЕНЕВА, 28 ноябрь. (ТАСС). Ядро қуроли синовларини тўхатиш тўғрисидаги уч давлат кенгашида қатнашиш учун С. К. Царапкин бошчилигида совет делегацияси кеча Женевага келди. Совет делегациясининг бошлиғи СССР делегациясини кутиб олмоқ учун аэродромга келган журналистларнинг бир қанча саволларига жавоб қайтарди.

Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларининг делегациялари Женевага 26 ноябрда келган эдилар. Ядро қуроллари синовини тўхатиш тўғрисидаги уч давлат кенгашининг мажлислари бугун Миллатлар саройида Москва вақти билан соат 17-00 да бошланади.

«Қизил Ўзбекистон»нинг навбатдаги сони 1 декабрда чиқади.

Редактор ўринбосари
А. ИСМОИЛОВ.

Бепоён Ватанимизда

ЯНГИ ИЙРИК САНОАТ МАРКАЗИ

ФРУНЗЕ. Шаҳарнинг шарқий чеккасида янги саноат зонаси тузиш тобора қизғин тус олмоқда. Бу ердаги тўғнич. корхона — теплоэлектроцентрал ҳозирдаёқ ток бермоқда. Ўрта Осиёда энг йирик коввол-сукно комбинати қурилиши ҳам жадал давом этмоқда.

Минг гектардан знёд майдонга эга бўлган бу зонада ўттиздан ортиқ турли саноат корхоналари қурилади. Киргизистон пойтахтининг бу янги саноат маркази атрофида уй-жой ва маданий-маиший бинолар қурилиши ҳам авж олиб кетди.

ҲАР СОАТДА — 7200 КУБОМЕТР

ИРША - БОРОДИНО. Сибирь кўмир ҳавзасида биринчи роторли экскаваторларни монтаж қилиш тугаллай деб қолди. Машина соатига минг кубометрдан ортиқ кўмир чиқаради. Бундан бошқа яна бир роторли гигант-экскаватор ҳам монтаж қилинади. Бу машина ҳар соатда 7200 кубометр кўмир чиқаради. Ирша-Бородино кўмир корхоналарини реконструкция қилиш бу ерда кўмир қазиб чиқаришни йилига 25 миллион тоннага етказиш имконини беради.

ТЕЗЮРАР ЯНГИ ТРАКТОР

ОЛТОЙ трактор заводининг инженерлари «Т-4» маркали янги тезюрар трактор тайёрладилар. Бу машиананинг механт унумдорлиги «ДТ-54» тракторига қараганда қарийб икки ярим баравар знёдир. Бу янги трактор келгуси йилнинг биринчи кварталидан кўплаб ишлаб чиқарила бошлайди.

ЯНА БИР НЕФТЬ РЕСПУБЛИКАСИ

ИЖЕВСК. Удмурд қазиш конторасн яқинда мустақил «Удмурднефтеразведка» трести қилиб қайта тузилди. Трест разведкачилари амалий ишга киришиб, республика ер остида суюқ ёқилғи кўплигини аниқлаб, дастлабки кудуқларни ишга туширдилар. Удмуртистон шу зонада ўз нефть бойлиғига эга бўлган учинчи автоном республикадир.

ГУРЬЕВ БАЛИҚЧИЛАРИНИНГ ЮТУҒИ

ГУРЬЕВ. Каспий денгизининг шимолида кузги балиқ овлаш мавсуми туғади. Гурьев балиқчилари мамлакатга 3 ярим миллион пуд балиқ етказиб бердилар. Шундан 70 минг пуди планда мўлжалланганидан знёд ушланган балиқдир.

КЕКСА НОВАТОР ТАШАББУСИ

ВИТЕБСК. Шаҳардаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг кекса новаторларидан бири — А. И. Соколов сўнгги йилларда ўз ташаббуси билан юздан ортиқ рационализаторлик таклифини ишлаб чиқди ва корхонада жорий этди. Бу эса давлатнинг 50 минг сўмини тежаш имконини берди. Кекса новатор етти йиллик охиригача яна 20 дан ортиқ таклиф ишлаб чиқиш мажбуриятини олди.

СОТУВЧИ-ЖАМОАТЧИЛАР

ПЕНЗА. «Пензмаш» заводида маош олмай сотувчилик қилувчи-жамоатчилар ишлайдиган китоб магазини очилди. Шаҳардаги биринчи жамоат магазни биносини завод меҳнаткашлари ишдан бўш вақтларида ўз кучлари билан қурдилар.

БЕШ ОЙ ЎРНИГА УЧ ОЙДА

КРИВОЙ РОГ. Шаҳардаги металлургия заводида янги прокат стани қурилди. Стандаги ҳамма операция тўла механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. Янги стан кичик сортли прокатларни ғоят тез ишлаб чиқара олади. Станнинг 5.500 тоннали мураккаб ва ҳар хил технологик асбобларини мўлжалдаги беш ой ўрнига икки ой ичида монтаж қилдилар.

Пермдаги кабель заводи коллективи 1963 йилдаёқ етти йиллик охирига мўлжалланган қувват даражасига эришиш учун социалистик мусобақанн кучайтириб юборди. СУРАТДА: завод цехларидан бирида.
Е. Загуляев фотоси (ТАСС фотохроникаси).

ФАРҒОНА МЕВАЛАРИ КУБАГА ЮБОРИЛДИ

ФАРҒОНА. (ЎзТАГ). Фарғона консерва заводи Кубага қуруқ мевалар жўнатди. Консервачилар шу мавсумда Гаванага олтмиш тонна юқори сифатли маҳсулот жўнатадилар. Корхона ишчилари дўстларнинг фахрий заказини муддатидан илгари бажаришга ҳаракат қилмоқдалар.

ҚАДИМИЙ ШАҲАР

ЧУСТ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг ўртоқ И. В. Сиришевский — Қазиқда топилган қурол-аслаҳалар, уй-рўзғор буюмлари, шаҳарнинг ҳарбий ва маданий ёдгорликларидан қолган парчаларни синчиклаб ўрганиш натижасида олимлар Чуст шаҳри бундан уч ярим минг йил бурун ўша даврнинг йирик шаҳарларидан бири бўлган деган хулосага келдилар. Мудофаа истеҳкомларининг қолдиқлари ўз даврининг мустаҳкам иншоотлари эканлигидан далолат беради.

МАКТАБЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

Шу йил 1 декабрдан 10 декабргача Совет Иттифоқидаги барча мактаблар рўйхатга олинади. Бу ғоят катта тадбирни амалга ошириш натижасида биз халқ маорифини ривожлантириш учун ҳозир қандай имкониятларга эга эканлигимизни аниқлаб оламиз.

Маълумки, Совет Иттифоқида мактаблар биринчи марта 1927 йилда рўйхатга олинган эди. Шундан буён ўтган 34 йил мобайнида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Халқ хўжалигимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, халқ маорифи соҳасида ҳам жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Шуни айтиш кифояки, мактаблар сони 1927 йилдагига нисбатан қарийб тўрт баравар, ўқувчилар сони эса ўн баравардан знёдроқ ошди. Ҳозир республикамизларни умумтаълим мактабларида 1 миллион 600 мингга яқин ўқувчи, 29 олий ва 84 ўрта махсус таълим ўқув юртларида эса 153 мингдан ортиқ студент таълим олмоқда. Мактаблар қурилишига йил сайин кўплаб маблағ сарфланмоқда. 1946-1960 йиллар мобайнидагина давлат қурилиши йўли билан, шунингдек колхозларнинг ташаббуси ҳамда маблағи ҳисобига 3 мингдан ортиқ мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Жамоатчиликнинг актив ва яқиндан берган ёрдами туфайли 1.5 минггга яқин жамоат биноси мактаблар ихтиёрига берилди. Бунинг натижасида республикадаги 92 процент мактабда машғулотлар бир сменада ўтказилмоқда. Мактаблар қурилиши ҳозир ҳам жадал суръатлар билан давом этмоқда. Бу йил Узбекистонда 172 минг ўқувчига мўлжалланган мактаб бинолари қурилди ва қурилмоқда. Шунингдек, жамоат биноларини мактаблар ихтиёрига топшириш иши ҳам давом эттириляпти.

Буларнинг барчаси республикамизда мактаблар тармоғи йил сайин мисли кўрилмаган тез суръатлар билан кенгайиб, уларнинг хўжаликлари эса тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат бериб турибди. Бироқ, бутун мамлакатда коммунистик жамият қуриш программаси кенг авж олдирилган бир пайтда мактабларимизнинг ҳозирги аҳволи талабга жавоб бера олади деб бўлмайди.

Коммунизмга ўтиш юксак онг-лилик, меҳнатсеварлик ва интизомни, шунингдек ҳар бир кишининг фақат жамоат манфаатлари нуқтаи назаридан иш тутишини талаб этади. Давримизнинг ана шундай онгли кишиларини тарбиялаб етиштириш совет мактаби зиммасига жуда катта вазифа тушади. Партиямизнинг яқинда бўлиб ўтган тарихий XXII съездида қабул қилинган КПСС Программасида совет мактаби олдида турган вазифалар ва ёш авлодни ўқитиш ҳамда тарбиялашга доир амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар ёркин белгилаб берилган. Яқин ўн йил мобайнида мактаб ёшидаги барча болалар учун ўн бир йиллик мажбурий умум политехника таълими, ишлаб чиқаришда банд бўлган ёшлар учун эса саккиз йиллик мажбурий таълим жорий этилиши керак. Бу улуғвор вазифани амалга ошириш биринчи навбатда мактабларимиз учун яхши бинолар, ўқув кабинетлари, устахоналар бўлишини талаб этади. Мактабларни рўйхатга олиш натижасида ҳозир бизнинг мактабларимиз қай аҳволда эканлигини, шунингдек уларнинг ўқув моддий-техника базасини аниқлаб оламиз. Бу эса халқ маорифини ривожлантириш перспективасини белгилаб олишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Мактабларни рўйхатга олиш ишини намунали ўтказишда халқ маорифи ходимлари: мактаб педагогика коллективлари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, район, шаҳар ва область халқ маорифи бўлимлари катта роль ўйнайдилар. Улар мактабларни рўйхатга олиш олдидан бутун инвентарни, шунингдек ўқув кабинетлари ва устахоналарини, ўқувчилар учун қурилган ётоқхоналар, ўқув-тажриба участкаларини аниқ ҳисобга олиб чиқишлари зарур. Бунда ўқитувчиларнинг уйжой билан таъминланиши масаласига ҳам алоҳида эътибор берилиши керак.

Мактабларни рўйхатга олиш ишини халқ маорифи ходимлари зиммасигагина юклаб қўйиб бўлмайди. Бу ишда бутун жамоатчилик мактабларга яқиндан ёрдам бермоги лозим. Шундагина мактабларни рўйхатга олиш иши намунали ўтказилади ва республикамизда халқ маорифини янада ривожлантириш перспективаси реал имкониятлар асосида белгилаб чиқилади.

Мактабларни рўйхатга олишда халқ маорифи ходимлари олдинги сафда бормоқлари лозим. Улар рўйхатга олиш программасига кирган барча масалаларни атрофлича ҳисобга олиб чиқишлари ва аниқ маълумотлар беришлари керак.

С. РАҲИММИРЗАЕВ.
Узбекистон ССР Статистика бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

ЭЛЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

29 НОЯБРДА

18.30 — **Дарслик саҳифаларида** (мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида), 18.55 — **Телевизион янгиликлар** (ўзбек тилида), 19.10 — **Коммунизм қуриш улуғ программаси** (КПСС XXII съезди материалларини ўрганувчилар учун ўзбек тилида суҳбат), 19.30 — **Музика лугати саҳифаларидан** (ўзбек тилида), 20.10 — **Телевизион янгиликлар** (рус тилида), 20.25 — **Здоровье** телевизион журнали, 21.05 — **Дераза рамлари ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш** (қурилиш фильмлари фестивали), 21.25 — **Биринчи сабоқ** (ноғли болгар киноповести).

30 НОЯБРДА

18.30 — **Спорт кундалиги**, 19.00 — О. Еқубов. **Олма гуллаганда** спектакли (Ҳамза номли Ўзбек академик драма театридан), танаффус вақтларида — **Телевизион янгиликлар** ва **Саноат ходимлари учун эшиттириш** (ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/XI-да **Боғчасарой фонтани**, 30/XI да **Евгений Онегин**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 29/XI-да **Фурқат**, 30/XI да **Олма гуллаганда**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 2, 3/XII да Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов концертлари**. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Совет цирки усталарининг гастроли**. Кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Ҳақиқат учун кураш (1-серия) — «ВАТАН», «МИР», «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруғ), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

«ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ»
(телефон 40-488, 43-351)
ва
«СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА»
(телефон 43-532)
ЖУРНАЛ РЕДАКЦИЯЛАРИ
Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30- уйда
кўчади
(бинонинг ўнг томонидаги 2-қаватда)

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ КЛУБИ (КОР)ДА
1 декабрда
СССР халқ артисти
ТАМАРАХОНИМНИНГ
халқ чолғу асбоблари ансамбли иштирокида
КОНЦЕРТИ
Программада: жаҳон халқларининг ашула ва рақслари.
Концерт кеч соат 8 да бошланади.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИ
СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ
техник-механик, техник-электрик ихтисосларига қўшимча
ЎҚУВЧИЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Биринчи курсга 7-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилар, учинчи курсга 10-синф ҳажмидаги маълумот билан қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари умумий тартибда топширилади.
Сиртқи бўлимга кирувчилар техникумга кириш учун белгиланган тегишли ҳужжатларни тақдим қиладилар.
Аризалар қабул қилинмоқда, кириш имтиҳонлари ҳозирдан 15 декабргача ўтказилади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Бржонинидзе районы, Ялангоч қишлоғи, 1-почта бўлими.

1961 йил 8 декабрь кундуз соат 2 да, Узбекистон ССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-а уй, ижтимоий фанлар институтларининг конференц-зали)
Х. Курбонова
филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «30-йиллар Ўзбек совет прозасида коллективлаштириш темаси» деган темада
диссертация ёқлайди
Диссертация билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469. Пропаганда — 34780. Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780 Қишлоқ хўжалиги — 31226. Адабиёт ва санъат — 32036 Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри

Р 01814. Нашр. В. 278.